Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 3 (7143). ● 4 январь, 1980 йил ◆ ЖУМА ● Баҳоси 2 тийин.

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ЖИПСЛИК

РЕСПУБЛИКАДА ОКРУГ САЙЛОВ ОЛДИ КЕНГАШЛАРИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи 49-Горький сайлов округи меҳнаткашларининг ва жамоат ташкилотларининг намояндалари партия ва ҳукумат раҳбарларининг портретларини, совет кишиларининг монолит бирлигини акс эттирувчи транспарантларни кўтариб 3 январь куни Тошкентдаги «Звезда Востока» клубига келдилар.

Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари А. С. Икромов округ сайлов олди йиғилишини очиб, округ, бутун район меҳнаткашлари сайловни КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қарорлари, В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги байрамига тайёргарлик туфайли юксак кўтаринки вазиятида кутиб олаётганликларини таъкидлади.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг биринчи секретари Ф. Н. Нажмиддинов минбарга чиқади. У самолётсозлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневни Ўзбекистон СР Олий Совети депутатлигига биринчи номзод қилиб кўрсатганликларини кенгаш аҳлининг давомли қарсаклари остида маълум қилди.

Бирлашма меҳнаткашлари ўртоқ Л. И. Брежневни депутатликка ўз номзоди қилиб кўрсатар эканлар, деди нотиқ, совет кишиларининг фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисида тинимсиз ғамхўрлиги учун, Ер куррасида тинчликни мустаҳкамлаш йўлида ҳормай-толмай бораётганлиги учун унга чуқур миннатдорчилик изҳор этдилар. Коммунизм ишига содиқлиги, битмас-туганмас куч-ғайрати, давлат донишмандлиги ва башорати, чуқур инсоний дилкашлиги ва зўр ташкилотчилик истеъдоди билан Леонид Ильич Брежнев совет кишиларининг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг буюк ҳурмати ва иззат-эҳтиромига сазовор бўлди.

Сўнгра нотиқ самолётсозлар ўзларининг сайловолди йиғилишида донгдор ишчи, йиғувчи слесарь, бирлашма партия комитети бюросининг аъзоси, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг жамоатчилик асосида ишлайдиган секретари Назрилла Маннуповни ҳам республика Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишга қарор қилганликларини айтди.

Кенгашда енгил металл конструкциялар заводининг электр пайвандчиси В. В. Лисаков, санитария-техника ускуналари заводининг бригадири Л. Н. Иванов, «Сельэнергопроект» институти Ўрта Осиё бўлимининг катта инженери О. И. Королева, «Главташкентстрой»га қарашли 3-қурилиш трести бошқармасининг бошлиғи С. С. Еқубжонов, 5-ошхона ошпази Г. Б. Жўраева сўзга чиқдилар. Самолётсозлар кўрсатган номзодларни ўз коллективларининг топшириғига мувофиқ астойдил қўллаб-қувватлаётганликларини айтдилар. Нотиқлар Горький сайлов округининг сайловчилари коммунистлар билан партиясизлар мустаҳкам блокининг номзодлари учун яқдиллик билан ўз овозларини бериб, Ленин партияси тебранаётганлигини, КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини муваффақиятли равишда амалга оширишга шай эканликларини сайлов куни зўр кўч билан намойиш этадилар, деб қатъий ишонч билдирдилар.

Округ кенгашининг қатнашчилари **Леонид Ильич Брежнев** билан **Назрилла Маннуповни** 49-Горький сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисида сайловолди йиғилишларининг қарорларини яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар ва номзодларга мурожаат қилиб, шу округдан овозга қўйилишига розилик беришларини улардан илтимос қилдилар.

Кенгашда округдаги барча сайловчиларга мурожаат қабул қилинди.

* * *

Қорақалпоғистон АССРнинг Чимбой район марказида 507-Чимбой шаҳар сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайлов олди кенгаши бўлиб ўтди. К. Авезов номли совхоз-техникум партия комитетининг секретари Б. Боймирзаев кенгашда сўзга чиқиб, бундай деди:

— КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Алексей Николаевич Косигин партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш соҳасида нақадар катта ишларни бажараётганини биз ҳаммамиз биламиз. Хўжалигимиз коллективи А. Н. Косигинни 507-Чимбой шаҳар сайлов округидан Ўзбекистон СР Олий Совети депутатлигига ўзининг номзоди қилиб кўрсатди. Ўртоқ А. Н. Косигиннинг бутун ҳаёти ва фаолияти партия ва халқ ишига фидокорона хизмат қилиш намунасидир. У ўзининг бутун куч, билим, тажриба, ғайрат ва талантини мамлакат иқтисодиёти, фан ва маданиятини ривожлантириш ишига, СССРнинг халқаро позицияларини мустаҳкамлашга, КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишга бағишламоқда.

Б. Боймирзаев К. Авезов номли совхоз-техникумнинг ишчи ва хизматчилари пахтачилик бригадасининг бошлиғи Ерпўлат Бекбавлиевни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатганликларини ҳам маълум қилди. Е. Бекбавлиев, деди нотиқ, жаҳонда энг шимолий пахтачилик зонасида мўл ҳосил етиштиришга эришаётган миришкор, тажрибали деҳқон эканлигини кўрсатди. Сўзга чиққан нотиқ кенгаш қатнашчиларини кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлашга даъват этди.

— Ўзбекистон, барча иттифоқдош республикалар ҳаётида бўлиб ўтган сайловдан кейинги даврда рўй берган ажойиб ўзгаришлар ҳаммамизни қувонтиради,— деди нотиқ.— Ҳаётимиз гўзал ва бадавлатроқ бўлиб қолди. Бунинг учун биз жонажон Коммунистик партияга қизғин миннатдорчилик билдирамиз. Социалистик Ватаннинг қудратини ўстириш тўғрисида, унинг экономикаси ва маданиятини равнақ топтириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилганликлари учун КПСС Марказий Комитетига мамлакатимиздаги барча халқларнинг миннатдорчилиги чексиздир. Ҳозирги вақтда хўжалигимиз деҳқонлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили ҳосили тўғрисида ўйламоқдалар ва ғамхўрлик қилмоқдалар, шу йилги планларни муддатидан илгари бажариш, Владимир Ильич Ленин юбилейини янгидан-янги муваффақиятлар билан нишонлашга қатъий аҳд қилганлар.

Нотиқ сайловолди йиғилишининг қатнашчилари Киров номли колхоз бригадири, нкки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Турсуной Охунович республика давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод этиб кўрсатганликларини ҳам маълум қилди. Т. Охунова мўл ҳосил миришкори, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг моҳир новатори сифатида мамлакатга танилган.

А. Султонов кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги таклиф билан кенгаш қатнашчиларига мурожаат қилди. «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси филиалининг экономисти З. П. Морозова, «Москва» колхози партия комитетининг секретари А. Аюпов, «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бригадири З. Эгамбердиева, Абдулла Набиев номли 27-мактаб ўқитувчиси А. Собирова, Энгельс номли колхоз бригадири А. Машрапов ўз коллективлари номидан кўрсатилган номзодларни қизғин қўллаб-қувватладилар. Улар ўз нутқларида беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун ўтказилаётган социалистик мусобақада эришилган муваффақиятлар тўғрисида, КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумининг қарорлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқи туфайли меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик янада ўсганлиги ҳақида гапирдилар.

Округ сайлов олди кенгаши **Андрей Павлович Кириленко** билан **Турсуной Охунович** 114-Эски Тошкент сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисида меҳнаткашлар коллективларининг сайловолди йиғилишлари қарорини қўллаб-қувватлади ва шу округдан овозга қўйилишига розилик беришни сўраб, уларга мурожаат қилди.

(ЎзТАГ).

Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасида коммунистик меҳнат зарбдори Галина Федерякина номи ҳурмат билан тилга олинади. Кекса тўқувчи ойлик планларни муттасил ортиғи билан адо этяпти. Шу кеча-кундузда 1982 йилнинг февраль ойи ҳисобига меҳнат қиляпти.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ҚУРУВЧИЛАР СОВҒАСИ

ТОШКЕНТ районидаги «Тошкент» совхозининг меҳнаткашлари янги йил арафасида яна бир қулайликка эга бўлдилар. Бу ерда нон цехи қуриб фойдаланишга топширилди.

Янги нон цехини район матлубот жамиятига қарашли қурувчилар бригадаси бунёд этди. Совхоз меҳнаткашларининг янги йил дастурхонига шу янги цехда ёпилган иссиқ нонлар етказиб берилди. Бу ерда ҳар куни 3 минг дона бўрсилдоқ нон тайёрланиб, аҳоли дастурхонига армуғон этиляпти.

Совхознинг 3-бўлими марказида янги магазин ҳам қуриляпти. Район матлубот жамиятининг 20 кишидан иборат қурувчилар бригадаси бу объектда сўнгги ишларни амалга оширмоқда. Н. Севастьянов, Н. Халитов, Р. Файзиев каби илғорлар смена топшириқларини мунтазам ошириб бажаришмоқда. Бунёдкорлар янги савдо тармоғини шу ойда фойдаланишга топшириш учун сурьатга сурьат қўшишмоқда.

Т. ДУСОНОВ.

ЯНГИ ЙИЛ, ЯНГИ УЙДА

Бу кун Йўлдошбой ака оиласи учун ўзига хос маъно касб этди. Чунки улар янги йилни янги, фаровон ҳаёт кечириш учун барча қулайликлар яратилган замонавий уйда кутиб олишди.

1979 йил колхозининг барча меҳнаткашлари қатори Йўлдошбой аха хонадони учун ҳам қутлуғ йил бўлди. Оила бошлиғи хўжалик механизаторлари ўртасидаги ўзаро меҳнат беллашувида доимо олдинги сафда бориб, мўлпахта ҳосили етиштиришда, уни нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олишда катта жонбозлик кўрсатди. Оиланинг бошқа аъзолари ҳам баракали хирмон яратилишига муносиб улуш қўшдилар. Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деганларидек, колхоз правленнеси, партия ташкилоти Йўлдошбой ака Охуновнинг оиласини муносиб тақдирлади. Оилага азамат бунёдкорлар томонидан колхоз посёлкасида қурилган беш хонали кўркам ва шинам уй тақдим этилди.

Шу оқшомда колхоз посёлкасидаги қайси бир хонадонга ташриф буюрмайлик ана шундай шод-ҳуррамликнинг, хушнудликнинг гувоҳи бўлдик Раҳмат Аҳмедов хонадонида ҳам хурсандчилик. Бирдан телефон жирингиб қолди. Раҳматжон трубкани олиши билан колхоз қурилиш инженери Баҳодир Тошпўлатовнинг таниш овози эшитилди:

— Ассалому алайкум, Раҳматжон. Янги уйда янада фаровон, тинч-тотув ҳаёт кечиришингизга тилакдошмиз.

— Катта раҳмат, Баҳодиржон. Қурувчиларнинг қўли дард кўрмаси, обод ва шинам уйда маза қилиб яшаяпмиз. Даврамизга марҳамат қилинг, азиз меҳмонимиз бўласиз.

Раҳматжон трубкани қўйди-ю, дил-дилидан хурсанд бўлиб, кўнгли тоғдек кўтарилди. Шундай катта ғамхўрлик кўрсатилиб, ажойиб уй қуриб берилганлиги, барча иззат-иқромлар уни тўлқинлантириб юборди.

Колхознинг тажрибали сувчиси Турсунбой ака Шоқосимов оиласи ҳам янги уйга кўчиб олди. Турсунбой ака ўзининг фидокорона меҳнати билан обрў-эътибор қозонган. У кўп йиллардан бери сувчилик қилиб, кўплаб шогирдлар етиштириб келмоқда. Турсунбой ака оиласига беш хонали замонавий уй қуриб берилганлиги уннинг фидокорона меҳнати муносиб тақдирланаётганлигининг белгиларидан бири. Оиланинг саккиз аъзоси ҳозирда ана шу уйда фаровон турмуш кечирмоқда.

Пиёнгул опа Орифбоева «Ленинизм» колхозининг ветеранларидан ҳисобланади. У шу хўжаликда 40 йилдан ортиқ меҳнат қилиб, колхознинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшган. Оиланинг бошқа аъзолари ҳозирда хўжалик ишларида актив қатнашмоқда. Шунинг учун ҳам колхоз правленнеси бу оилага тўрт хонали шинам уйни тақдим этди.

Биз Янгийўл район «Ленинизм» колхозининг тажрибанамунавий посёлкасидаги турар-жой биноларига кўчиб ўтган бир неча оила ҳақида ҳикоя қилдик, холос. Сердаромад, кўп тармоқли колхознинг замонавий посёлкасида турар-жой бинолари билан бирга кўплаб маданий-маиший объектлар ҳам жадаллик билан қурилмоқда. Болалар боғчаси, мактаб, шон-шуҳрат музейи, ҳаммом, касалхона, савдо ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари бугунги кунда посёлка кўркига-кўрк қўшиб турибди.

Келажакда 2500 киши яшайдиган ана шу посёлкадаги бунёдкорлик ишлари «Узгипросельхозпроект» институти томонидан тайёрланган лойиҳалар асосида олиб борилмоқда. Бу ерда «Тошкент», «Қуёш», «Янгиер», «Аист» сингари етти типдаги, уч, тўрт, беш хонали уй-жойлар қуриляпти. Турар-жой биноларида ва маданий-маиший объектларда табиийнқлим шароитлар, миллий хусусиятлар ва анъаналар ҳисобга олинмоқда. Шунинг учун ҳам колхоз меҳнаткашларининг турмуши янада фаровонлашиб бормоқда.

С. САИДАЛИЕВ.

ЗАРБДОР ВАХТАДА

ХАЗИНАГА ЙЎЛ

ЧИЛОНЗОР массивининг 9-кварталида муҳташам бинолар ёнига яна бир тўрт қаватли бино қўшилди. Ташқи кўриниши, архитектуравий ечими ниҳоятда кўркам бўлган бу бино Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти студентлари учун мўлжалланган ётоқхонадир.

380 ўринли ётоқхонада талабалар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилади. Мазкур бинони 153-трестга қарашли 14-қурилиш бошқармасининг қурувчилари бунёд этишди. Айни кунларда бу ерда шу трестнинг 12-қурилиш бошқармасидан Виктор Буянов ва Олим Абдусаматовлар бошлиқ пардозловчилар бригадалари зарбдор суръат билан ишлашмоқда. Улар янги йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб суръатни янада тезлаштиришди. Пардозловчилар ётоқхонани шу ойда фойдаланишга топширишга ҳаракат қилишмоқда.

М. ФЕЛЬДМАН.

Товуқ етти ҳазинанинг бири. Қаерда паррандачиликни ривожлантиришга дуруст эътибор берилса, ўша ерда мўл-қўл парҳез гўшт ва кўплаб тухум етиштирилиши турган гап.

Янгийўл районидаги инкубатория-паррандачилик станцияси коллективи эришаётган ютуқлар бунга мисолдир.

— Сифат ва самарадорлик беш йиллиги бўлган ўнинчи беш йилликнинг ҳар бир йили станциямиз паррандачилари учун зарбдор меҳнат ва улкан зафарлар йили бўляпти, — дейди станция директори ўртоқ Р. Галиуллин. — Бизда парҳез гўшт ва тухум етиштириш ҳамда давлатга сотиш йил сайин ортиб бормоқда.

Директорнинг бу гапида жон бор. Давлатга гўшт сотиш бўйича ўнинчи беш йиллик планни уч йилда ўринлаб қўйган меҳнатсевар паррандачилар беш йилликнинг тўрт йили мобайнида эл дастурхонига 1760 центнер парранда гўшти тортиқ қилдилар. Бу — беш йиллик планда кўзда тутилганидан 600 центнер ортиқдир. Бошқача қилиб айтганда меҳнатсевар коллектив давлатга гўшт сотиш бўйича 1982 йилга белгиланган планни ҳам муваффақиятли ўринлаб қўйди.

Ўтган хўжалик йили станция паррандачилари учун айниқса, қувончли йил бўлди. Давлатга гўшт ва тухум сотиш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятлар муддатидан илгари адо этилди. Аҳил коллектив эл дастурхонига 450 центнер парранда гўшти ва 1 миллион 250 минг дона тухум тортиқ қилди.

Станцияда инкубаторияда очириш учун пландаги 600 минг дона ўрнига 800 дона тухум қўйилди ва 650 минг дона жўжа олинди топшириқ анча ошириб бажарилди.

Эришилган ютуқлар, моҳир паррандачилар тўғрисида гап кетар экан, станция раҳбарлари ва мутахассислари коммунист Тоҳир Ҳасановнинг номини ўзгача ифтихор билан тилга оладилар. Моҳир паррандабоқар бошлиқ бригада паррандачилари жўжаларни меҳр билан парваришлаб уларнинг соғлом ўсиши, кўнгилдагидек семиришини таъминламоқдалар.

— Тухумдан энди чиққан жўжаларни боқиш осон эмас, — дейди Т. Ҳасанов.— Паррандахоналарда мўътадил ҳарорат бўлишини таъминлаш, зоотехника қоидаларига қатъий риоя қилиш лозим. Бригадамиз ишчилари ана шу қийин ва шарафли вазифани муваффақиятли уддалаб, гўшт ва тухум етиштиришни кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Паррандачилар ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақада Минзаде Абсалямова ва Галина Муфтахова ўртоқлар пешқадамлик қилишяпти. Бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш юзасидан авж олиб кетган ватанпарварлик ҳаракатига қўшилган бу азаматлар айни кунларда 1983 йил ҳисобига гўшт ва тухум етиштирмоқдалар.

Станция паррандачилари белгиланган юксак марраларни сўзсиз эгаллаш мақсадида қишловни бечиқим ўтказиш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

М. ПЕЙСЕНОВ.

МУСТАҲКАМ ЗАМИН

БЕКОБОД районидаги Ленин номли колхоз аъзолари ўтган йили «оқ олтин»дан баракали хирмон уйдилар. Улар 2 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ортиқ пахта йиғиштириб олиб, социалистик мажбуриятларини ҳам муваффақиятли адо этишди.

Хўжалик пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида янада катта марраларни эгаллашни кўзлашмоқда. Бу мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратилиптти. Колхозда барча экин майдонлари ўғитга тўйдириб, сифатли шудгор қилиб қўйилган. Ҳозирги кунларда ҳам далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш қизғин давом этяпти. Шунингдек, суғориш шахобчаларини тартибга келтириш, техника ремонти кучайтириб юборилган. Қишки дала ишлари А. Рўзиматова, Ф. Рўзиев, Ж. Олланазаров, Х. Раззоқов, М. Мирзақуловлар бошлиқ бригадаларда айниқса намунали йўлга қўйилган.

Ф. ЗИЕДУЛЛАЕВ, М. РЎЗИМАТОВ.

БИЛДИРИШ

Тошкент область касаба союзлари Совети область касаба союзларининг союзлараро X конференцияси 1980 йилнинг 8 февралида ўтказилишини маълум қилади.

Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи ўнинчи беш йиллик сўнгги йилининг дастлабки кунларидан меҳнат вахтасида турибиш ишламоқда. Тўқимачилар бу йил жуда кўп янги нусхадаги газламалар ишлаб чиқаришни ўзлаштирадилар. Янги йилнинг дастлабки меҳнат кунларида олинган ушбу суратларда ишлаб чиқариш илғорларидан мистар Босит Маҳкамов, газламалар учун янги гуллар яратаётган рассомлардан Галина Зайцева ва Галина Сергеевалар ҳамда смена нормасини ортиғи билан бажараётган назоратчи Феруза Каримоваларни кўриб турибсиз.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ИНҚИЛОБНИНГ ҚУДРАТЛИ БОНГИ

(ЛЕНИНЧА «ВПЕРЕД» ГАЗЕТАСИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА)

РСДРП II съездидан кейин партия чуқур кризисни бошидан кечирмоқда эди. Бу кризиснинг негизи, Ленин кўрсатиб ўтганидек, «II съезд озчилигининг унинг кўпчилигига бўйсинишни қатъиян истамаслигидан иборат эди». Меньшевиклар Марказий Комитетининг муросачи аъзолари ёрдамида В. И. Ленин барпо этган «Искра»ни, II съездда сайланган Марказий Комитетни, партия Кенгашини, шунингдек, партиянинг полиграфия базаси ва моддий маблағларини ўз қўлларига олиб, Ленин бошлиқ большевикларга қарши ҳужум бошлаган эдилар.

Большевиклар партия ташкилотларининг II съездда тасдиқланган революцион марксистик программа асосида иш юритишларига, съезд қарорларини оғишмай амалга оширишларига ҳаракат қилдилар. Меньшевиклар эса, партияни ташкилий жиҳатдан тарқоқлик яна авж оладиган йўлга — тўгаракчилик ва кустарчилик йўлига судрамоқда, партия интизомини бузмоқда эдилар.

Мавжуд кризисдан чиқиш ва партия сафларидаги меньшевик оппортунистларнинг ҳақиқий башарасини очиб ташлаш, уларга кескин зарба бериш зарурлиги РСДРП III съездини зудлик билан чақиришни тақозо этмоқда, бироқ, аввало съездни тайёрлаш, унга тайёрланиш, энг муҳими, турли либосдаги муҳолифларга — зарба берадиган даражада уюшиб олмоқ даркор эди.

Меньшевикларнинг очиқдан-очиқ ва тинимсиз ғоявий ҳуружлари ва бузғунчилиқ ҳатти-ҳаракатлари авж олган бундай шароитда мунтазам чиқиб турувчи вақтли матбуот органи воситасида уюшиб олмоқ большевиклар учун ниҳоятда муҳим бўлиб, газета нашр этиш масаласи биринчи даражали вазифа бўлиб қолганди.

1904 йил 29 ноябрь (12 декабрь) куни Женевада Ленин раҳбарлиги остида большевикларнинг мажлиси бўлиб, унда большевикларнинг вақтли партиявий органини барпо этиш масаласи узил-кесил ҳал этилди. Владимир Ильич газетанинг номини «Вперёд» («Олға») деб аташни таклиф қилди, мажлис аҳли яқдиллик билан бу таклифни маъқуллади.

В. И. Ленин шу куниёқ «Ўртоқларга хат» (партия кўпчилиги органининг чиқиши муносабати билан) деб аталган машҳур мурожаатномасини ёзади. Ҳозирги бўлғуси органнинг программа ва йўналишини белгиларкан, мазкур газета эски «Искра»нинг анъаналарига содиқ қолади ва унинг йўлини давом эттиради, деб таъкидлайди, партия аъзолари ва илғор ишчиларни газетага ёзиб туришга чақиради.

Ниҳоят, орзиқиб кутилган газетанинг 1-сони 1905 йил 4 январда босилиб чиқди. Газетанинг ташкилотчиси, ғоявий раҳбари ва бевосита редактори В. И. Ленин эди. Владимир Ильич редакция теварагига партиянинг энг яхши адабий кучларини, забардаст қаламкашларини тўплаган эди. В. В. Воровский, М. С. Ольминский, А. В. Луначарский ҳозирги билан ёнма-ён туриб, самарали меҳнат қилдилар. Маҳаллий партия ташкилотлари ва мухбирлар билан ёзишмаларни Н. К. Крупская олиб борди. Бу ниҳоятда мураккаб ва машаққатли иш эди: шифрлар воситасида, ёки «химиявий усул»да (сатрлар орасига кўринмас сиёҳ билан) ёзишга тўғри келарди. Надежда Константиновнага Л. А. Фотиева ёрдамлашиб турарди.

«Вперёд» газетаси ўзининг дастлабки қадамлариданоқ жанговар революцион минбарга айланди: ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг туб манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қилди, халқ оммасини чоризмни ағдариб ташлаш учун курашга оёқлантирди, марксизмни янги тарихий шароитда ижодий ривожлантирди, партиянинг революцион кучларини жипслаштириб, бўлғуси ҳал қилувчи жангларга тайёрлади.

Россиядаги бирор йириқроқ революцион воқеа газетанинг диққат-эътиборидан четда қолмади, у инқилобнинг қудратли бонги бўлиб янгради ва мамлакатдаги ҳар бир муҳим воқеага акс-садо бериб турди. Газетанинг номини «Вперёд» («Олға») деб аташни таклиф қилди, мажлис аҳли яқдиллик билан бу таклифни маъқуллади.

В. И. Ленин шу куниёқ «Ўртоқларга хат» (партия кўпчилиги органининг чиқиши муносабати билан) деб аталган машҳур мурожаатномасини ёзади. Ҳозирги бўлғуси органнинг программа ва йўналишини белгиларкан, мазкур газета эски «Искра»нинг анъаналарига содиқ қолади ва унинг йўлини давом эттиради, деб таъкидлайди, партия аъзолари ва илғор ишчиларни газетага ёзиб туришга чақиради.

Ниҳоят, орзиқиб кутилган газетанинг 1-сони 1905 йил 4 январда босилиб чиқди. Газетанинг ташкилотчиси, ғоявий раҳбари ва бевосита редактори В. И. Ленин эди. Владимир Ильич редакция теварагига партиянинг энг яхши адабий кучларини, забардаст қаламкашларини тўплаган эди. В. В. Воровский, М. С. Ольминский, А. В. Луначарский ҳозирги билан ёнма-ён туриб, самарали меҳнат қилдилар. Маҳаллий партия ташкилотлари ва мухбирлар билан ёзишмаларни Н. К. Крупская олиб борди. Бу ниҳоятда мураккаб ва машаққатли иш эди: шифрлар воситасида, ёки «химиявий усул»да (сатрлар орасига кўринмас сиёҳ билан) ёзишга тўғри келарди. Надежда Константиновнага Л. А. Фотиева ёрдамлашиб турарди.

«Вперёд» газетаси ўзининг дастлабки қадамлариданоқ жанговар революцион минбарга айланди: ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг туб манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қилди, халқ оммасини чоризмни ағдариб ташлаш учун курашга оёқлантирди, марксизмни янги тарихий шароитда ижодий ривожлантирди, партиянинг революцион кучларини жипслаштириб, бўлғуси ҳал қилувчи жангларга тайёрлади.

Россиядаги бирор йириқроқ революцион воқеа газетанинг диққат-эътиборидан четда қолмади, у инқилобнинг қудратли бонги бўлиб янгради ва мамлакатдаги ҳар бир муҳим воқеага акс-садо бериб турди. Газетанинг «Ижтимоий ҳаётимиздан», «Ишчилар ҳаракатидан», «Партиядан», «Турма ва сургун» каби доимий бўлимларида мамлакат инқилобий ҳаётининг қарийб ҳамма қирралари ўз аксини топиб борди. «Вперёд» газетаси халқни қуролли қўзғолонга қўрқ даъват этиш билан чекланмади, айни чоқда чор қўшинлари билан қандай қилиб кўча жанглари олиб бориш, баррикадалар қуриш ва бошқалар ҳақида амалий маслаҳатлар бериб турди («Кўча жанглари ҳақида», «Баррикадалар қуриш масаласига доир»).

В. И. Ленин газетанинг ғоявий илҳомчиси ва жонкуяр раҳбари, етакчи публицисти ҳам эди. «Вперёд» 1-сони Владимир Ильичнинг «Самодержавие ва пролетариат» сарлавҳали бош мақоласи билан очилди. Унда доҳий «шарти кетиб, парти қолган» самодержавие ва тобора кучга тўлиб бораётган пролетариат ҳақида баҳс этиб, қудратли халқ ҳаракатини келтириб чиқарган шарт-шароитларни таҳлил қиларкан: «Самодержавие бўшашиб қолди. Самодержавиенинг ўзи бошлаган оғир ва нажотсиз уруш унинг ҳокимияти ва ҳукмронлигининг остига тубдан путур етказди», — дейилган хулосага келди. Кейинги воқеалар доҳий хулосасини тўла-тўкис тасдиқлади. Газетанинг 4- ва 5-сонлари бутунлай 1905 йил 9 январь воқеаларига бағишланди.

Петербургда юз берган даҳшатли хунрезлик («Қонли якшанба») ҳақидаги хабарни В. И. Ленин эртасига эшитди, бу уни қаттиқ ғазаблантирди. Ильич ўша заҳотиёқ қўлига қалам олиб, «Россияда революция» деб номланган мақоласини ёзди ва уни «Вперёд»нинг 4-сонига тошширди. Революциянинг оташи нафаси билан суғорилган мазкур мақолани «Яшасин революция! Яшасин қўзғолон қўтарган пролетариат!» — деган хитоб билан тугаллаганди. Газетанинг ушбу сонида доҳий қўли билан битилган шу руҳдаги яна уч мақола босилди. «Вперёд»нинг 5-сони учун ҳам деярли барча материалларни Владимир Ильичнинг ўзи тайёрлаб берган эди. Умуман, газетанинг кўпчилик сонларида доҳийнинг 3—4 тадан, 18 сонида эса Лениннинг 60 дан ортиқ мақола ва корреспонденциялари босилди. Бу мақолаларда Владимир Ильич бошланган революцияда большевиклар партиясининг стратегия ва тактикасини, пролетариатнинг туб вазифаларини ишлаб чиқди: большевикларнинг қуролли қўзғолон масалаларида, муваққат революцион ҳукумат тўғрисидаги ҳамда пролетариат ва деҳқонларнинг революцион-демократик диктатураси тўғрисидаги, социал-демократиянинг деҳқонлар ҳаракатига, либерал буржуазияга, руслиён урушига муносабати тўғрисидаги масалаларда тутадиган тактик йўлини баён этиб берди. В. И. Лениннинг аксари мақолалари большевистик матбуотнинг маҳаллий органлари томонидан кўчириб босилар ёки алоҳида варақа тарзида нашр этиб тарқатиларди.

В. И. Ленин муҳаррир сифатида редакция ишининг барча ипак-чиқирларини сира эринмай бажарар, ҳар қандай шароитда гранкаларни ва газета саҳифасидаги материалларни бошидан охиригача синчиклаб ўқиб чиқарди. Партия III съезди кунларида раис қилиб сайланган Ленин съезднинг ҳамма ишларига раҳбарлик қилди. У кун тартибидаги ҳамма асосий масалалар: қуролли қўзғолон, муваққат революцион ҳукуматда социал-демократиянинг иштирок қилиши, деҳқонлар ҳаракатига муносабат масалалари юзасидан нутқлар сўзлади. Съезд протоколларида Лениннинг 140 марта сўзга чиққани ва таклифлар киритгани қайд этилган. У съезднинг резолюция тузиш комиссиясида иштирок этди, резолюция лойиҳалари ва докладларни ишлаб чиқди ва таҳрир қилди, мажлисларни кундалик дафтарга муфассал ёзиб борди. Ана шундай шароитда ҳам «Вперёд» газетасининг 17-сони гранкаларини ўзи ўқиб чиқди.

Газета фаолиятини партия коллектив ижодининг маҳсули, деб билган Ильич Россиядаги маҳаллий партия ташкилотлари билан алоқани мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берди. Россиянинг деярли барча энг муҳим саноат марказларидан редакцияга хат-хабарлар келиб турар, ишчилар ва деҳқонларнинг революцион курраши ҳақидаги хабарлар мунтазам суратда эълон қилиб борилади. Газетага юборилган бирорта хат-хабар жавобсиз қолмади. С. И. Гусев, А. И. Ульянова-Елизарова, Р. С. Землячка, М. Цхакая, В. Д. Бонч-Бруевич ва бошқалар газетанинг жойлардаги доимий мухбирлари эдилар. Редакция айниқса, РСДРПнинг Петербург, Москва, Боку, Екатеринослав ва Кавказ комитетлари билан мустаҳкам алоқа боғлаганди. «Вперёд» газетаси тез орада маҳаллий партия комитетларининг ҳурматини қозонди.

Редакция Туркистон социал-демократлари билан ҳам алоқа қилиб турган. Архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, Тошкентлик социал-демократлар «Вперёд»нинг деярли ҳар бир сонини олиб турганлар.

«Вперёд» газетаси чинакам революцион партия учун курашда ва чоризмни ағдариб ташлаш учун жангга отланган халқ оммаси революцион ташаббусини кенгайтириш ва ривожлантиришда катта роль ўйнади. Газета РСДРП III съездини чақириш учун собиткадамлик билан курашди, ленинча принциплар асосида маҳаллий партия комитетларини жипслаштириб, шу съезднинг чақирилишини таъминлади. Ленин томонидан илгари сурилган ва «Вперёд» саҳифаларидаги мақолаларда асослаб берилган большевикларнинг революциядаги тактик йўли партия III съездининг тактик йўли бўлиб қолди. Съезд ҳам махсус қабул қилган резолюцияда «Вперёд» газетасининг катта хизматларини таъкидлаб ўтди ҳамда редакцияга ташаккур билдирди.

«Вперёд»нинг сўнгги, 18-сони 1905 йил 18 майда босилиб чиқди. РСДРП III съезди қарорига мувофиқ «Вперёд» газетаси ўрнига «Пролетарий» газетаси партия марказий органи сифатида нашр қилина бошлади ва у «Вперёд»нинг ишини изчиллик билан давом эттирди.

«Лениннинг ғоят бой ғоявий мероси, — дейилади КПСС Марказий Комитети В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги муносабати билан қабул қилган қарорида, — Ленин таълимотининг революцион таниқдий руҳи, марксизмнинг туб принципларини оппортунистларча соҳталаштиришдан ҳимоя қилишдаги изчиллиги ва қатъияти, унинг бутун ҳаёти ҳозирги халқаро коммунистик ишчилар ва миллий озодлик ҳаракати учун революцион фикр ва революцион ҳаракатнинг битмас-туганмас манбаи бўлиб хизмат қилади».

Лениннинг «Вперёд» газетасига редакторлиги ва ғоявий раҳбарлиги даврида ёзган асарлари шу ғоявий-назарий меросниг ажралмас, муҳим бир қисмидир.

Б. АБДУЛЛАЕВ,
ТошДУ доценти, тарих фанлари кандидати.

ТУРСУНОЙ Салимжонова Тошкентдаги тажриба-пиллакашлик фабрикасининг пешқадам ишчиси. У смена топшириқларини мунтазам 1,5—2 бараварга етказиб адо этмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ШАҲАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

Ангрен шаҳри йилдан-йилга кўкаламзорлаштирилиб обод бўлмоқда ва у республикамизнинг чиройли шаҳарларидан бирига айланмоқда. Шаҳар коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш бошқармаси ўтган йил шаҳарни ободонлаштириш ва унинг санитария ҳолатини яхшилаш юзасидан талайгина ишлар қилди. Ўтган 10 ой ичида шаҳар кўчаларига 70207 квадрат метр ҳажмида бетон ётқизилиб, асфальт қилинди. 115500 квадрат метр шагал тўкилди. 15520 погон метр водопровод ва 5030 погон метр канализация шохобчалари қурилди. Янгидан 3 жойда янги автопавильон қурилди. 30 минг квадрат метр йўл жорий ремонт қилинди. 500 минг погон метрдаги ариқ-зовурлар тозаланди. 11371 квадрат метр тротуар қайта ремонт қилинди. Каттаган, Аппартак, Боқсуқ посёлкалари, Восточний, Предгорний, Шелковичний кўчаларига шағал тўкдирилиб, ётқизилди. Ўтган 10 ой ичида 48,4 минг дона дарахт кўчатлари, 19,1 минг дона манзарали дарахт кўчатлари, 10,2 дона ҳар хил гуллар ўтказилди.

Шаҳар коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш бошқармаси ўтган йилнинг III кварталида ободонлаштириш ва шаҳарнинг санитария ҳолатини яхшилаш юзасидан социалистик мусобақа якунида республика шаҳарлари ўртасида биринчи ўринни эгаллагани учун ҳам Ўзбекистон КП Марказий Комитети, республика Министрлар Совети ва Узсовпрофнинг кўчма Қизил байроғи ва 4 минг сўм пул мукофотини олишга муваффақ бўлди.

Ангрен шаҳар Совети нинг мажлислар залида шаҳар коммунал хўжалиги ходимлари ҳамда шаҳар саноат корхоналари, қурилишлари активининг йиғилиши шу воқеага бағишланди.

Йиғилишни Ангрен шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ю. Н. Остряков очди. Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалиги министрининг ўринбосари В. А. Плотников Ангрен коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш бошқармасига Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Республика Министрлар Совети ва Узсовпрофнинг кўчма Қизил байроғини топшириб, коммунал хўжалик ходимлари ва шаҳар меҳнаткашлари қизғин табриклаги ва уларнинг келажакдаги ишларига муваффақиятлар тилади.

Йиғилишда шаҳар Совети ижроия комитети раиси Ю. Н. Остряков, шаҳар коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш бошқармаси шофери В. В. Пеньков, шаҳар уй-жой бошқармаси бош инженери С. Раҳматуллина, шаҳар санитария-эпидемиология станцияси врачи К. Ли ўртоқлар сўзга чиқиб, шаҳримизни обод қилиш, шаҳар меҳнаткашлари учун тинмай ишлаяжакларини айтдилар.

И. АҲМЕДОВ,
Ангрен шаҳар Советининг ходими.

ЧИНОЗ РАЙОНИДА

ҚИЗИҚАРЛИ ЛЕКЦИЯЛАР

ОБЛАСТЬ партия комитетининг бир группа штатсиз лекторлари Охунбобоев номли, «Қизил Октябрь» колхозларида «Чиноз» наслчилик совхоз техникумида, 5-автомобиль ремонти заводида қизиқарли лекция ва суҳбатлар уюштиришди. Улар КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленумя қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқи ва X Чақириқ СССР Олий Советининг II сессияси материалларини кенг пропаганда қилишди. Тингловчиларда Тошкент Қишлоқ хўжалиги институтининг доценти М. Ҳасанхонова, катта ўқитувчилар М. Исамуҳамедова, А. Мухсимов, З. Қурбонова, республика Рус тили ва адабиёти институтининг доцентлари Г. Кононенко, Б. Назаров ва бошқаларнинг лекция ва суҳбатлари яхши таассурот қолдирди.

ЯНГИ АНСАМБЛЬ

«ЎЗБЕКИСТОН ССР 30 йиллиги» колхозида янги бадиий ҳаваскорлик ансамбли ташкил этилди. Ҳаваскорлар пахтакорлар, чорвадорлар, ўқувчилар ҳузурида бўлишиб, ўзларининг ранг-баранг куй ва қўшиқлари билан улар кўнглини ҳушнуд этишмоқда. Абдумутал Оғабоев етакчилик қилаётган ансамблга қобилиятли ёшлар жалб этилган. А. Қонсбоев, А. Бекназаров, А. Тошдаев, Р. Мирзалиев каби ёшлар шулар жумласидандир. Она-Ватани, дўстлик ва муҳаббатни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар ансамбль репертуаридан кенг ўрин олган.

МЕҲНАТКАШЛАР ҲУЗУРИДА

МУҚИМИЙ номидаги ўзбек давлат музикали драма театри артистлари район меҳнаткашлари ҳузурида бўлишди. Улар «Ватан» кинотеатри ҳамда Олмазор посёлкасидаги «Олмазор» совхоз-заводи клубида катта концерт программасини намойиш этдилар.

Чиноз ликлар Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Фарогат Раҳматова, Райҳон Тўраева, солистлар Ҳусан Шарипов, Дилором Сафоева, Икромжон Маматқулов ҳамда Шуҳрат Расуловларнинг чиқишларини зўр олқишлар билан кутиб олдилар.

«НАВРЎЗ» ХАРИДОРЛАР ХИЗМАТИДА

ЯНГИ йилда «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг Максим Горький номли участкасида янги савдо магазини ишга туширилди. У «Наврўз» деб номланган. Шинам ва кўркам савдо шохобчасига кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган Қ. Ҳамроева мудирлик қиляпти.

Харидорлар ўзларига яратиб берилган қулайликлардан мамнун.

Х. ШЕРОВА.

ДОҲИЙ ЮБИЛЕЙИГА

«Далварзин» ремонт-механика заводида пешқадамлар ҳақида гап кетганида Мўминжон Нўъмонжонов номи биринчилар қатори тилга олинади.

— Цехимизнинг фахри, пешқадам ишчи, моҳир мураббий, — дейди у ҳақда цех бошлиғи Одил Қодиров. — Мўминжон шахсий планларини мунтазам ошириб бажариш билан бирга, унинг амалга оширган ишлари фақат аъло сифатга баҳоланади.

Заводда асосан қишлоқ хўжалиги техникаси ремонтдан чиқарилади. Тракторлар, пахта териш машиналари моторларини созлаш бўйича Мўминжоннинг олдига тушадиган уста йўқ ҳисоби. Унинг қўлидан чиққан двигателларга бирон марта эътироз билдирилмаган.

Мўминжон бу корхонада меҳнат қилаётганига эндигина етти йил бўлди. Бу давр ичининг коллективда обрў-эътибор орттириши учун, ўз ишининг устаси бўлиб танилиши учун етарлидир. Ана шундай малакали ишчилардан бири бўлган М. Нўъмонжонов ҳар ойда пландаги 50 ўрнига 55—60 та трактор двигателларини созламоқда. Қунига эса 3 та моторни қўлдан чиқаради.

М. Нўъмонжонов доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун зиммасига юксак мажбурият олди. У шахсий беш йиллик топшириғини ана шу қутлуғ юбилей кунигача бажаришга аҳд қилди.

Т. УСМОНОВ.

Коммунистик меҳнат зарбдори Адиба Зайнутдинова 20 йилдан буён Тошкент бадиий буюмлар фабрикасида автомат усулда гул тикиш аппаратларини бошқаради. Бу меҳнатсевар ишчи ҳозирги пайтда 1981 йилнинг биринчи квартали топшириқларини адо этмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

СУРАГАН ЭДИНГИЗ

КОРХОНА ЭКОНОМИКАСИНИНГ ОЙНАСИ

ҲУРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ!

Корхона паспорти нима? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Ўзбекистон металлургия заводи ишчиси. Б. ХУДОЕРОВ,

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорида халқ хўжалигини планлаштириш савиясини кўтариш ва янги талаблар асосида планлар системасини шакллантириш кўзда тутилган. Бу системага истиқболли (20 ва 10 йиллик), беш йиллик ва йиллик, шунингдек комплекс ҳамда регионлар бўйича тузиладиган планлар киради. Кўрсатилган планларни пухта ва асосли ишлаб чиқишни амалга ошириш тадбирларидан бири бирлашмалар (корхоналар) учун паспорт жорий қилинишидир.

Паспорт ҳақида гап борганда газетхонлар биринчи навбатда айрим қиммат баҳо товарлар (телевизор, магнитафон, фотоаппарат ва бошқалар) сотилганда ҳаридорга тақдим қилинадиган паспортни кўз олдиларига келтирадилар. Корхона паспорти товар паспортидан фарқ қилади. Товар паспортида унинг айрим хусусиятлари, таркибидаги деталлар қайд қилинган бўлса, корхона паспортида ишлаб чиқарилган товар эмас, балки бир неча минг киши ишлайдиган, юзлаб машиналар, станоклар, ускуналарга эга ҳозирги замон саноат бирлашмаси (корхонаси) экономикасининг энг муҳим кўрсаткичлари ифода қилинади. Шу туфайли паспорт корхона экономикасининг ойнаси десак хато қилмаган бўламиз. Паспортда корхонанинг барча хўжалик механизми яққол ифода қилинади.

Паспорт 10 бўлимдан иборат. Ҳар бўлимда ишлаб чиқаришнинг ҳам экономика, ҳам техника томонларининг ифодаловчи 3—4 жадвалда планлаштириш учун зарур умумлаштирилган муҳим маълумотлар келтирилади. Биринчи бўлимда бирлашма ҳақида умумий маълумотлар (унинг номи юқоридан ташкилоти ёки министрлик номи, бирлашмага киритилган корхоналар, ишга туширилган вақти, адреси, раҳбарининг фамилияси, банк ва транспорт реквизитлари ва бошқа умумий маълумотлар) келтирилади. Иккинчи бўлимда — корхонанинг мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ва улардан фойдаланиш ҳақида маълумот берилади. Бунда ишлаб чиқариш қувватлари ва улардан фойдаланишнинг техник кўрсаткичлари коэффициентлари, шунингдек ўзлаштирилаётган қувватлар ҳақида маълумотлар берилади. Учинчи бўлим — маҳсулот ишлаб чиқаришга бағишланган. Бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот группалари, шу ҳисобда халқ истеъмол моллари ва экспорт учун тайёрланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва реализация ҳажми, шу ҳисобда мол етказиб бериш мажбуриятини бажариш ифода қилинади. Маълумки, корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифати бир ҳил эмас. Шунинг учун бу бўлимда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таркибида аъло, биринчи ва иккинчи категорияли маҳсулотларнинг ҳиссалари ва маҳсулот сифатини ифодаловчи бошқа кўрсаткичлар келтирилади. Бундан ташқари, янги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида маълумотлар берилади.

Тўртинчи бўлим асосий фондлар ва капитал қурилишига бағишланган. Ҳар бир социалистик корхона йил сайин ўз ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириб, техника даражасини ошириб боради. Бу бўлимда мавжуд асосий фондлар, бинолар, станоклар, машиналар, технологик ускуналари) ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳақида ҳам маълумот берилади.

Бешинчи бўлим — оддий ресурсларга бағишланади. Оддий ресурсларга хом-ашё, ёқилғи, ярим фабрикат, энергия ва бошқалар киради. Оборот воситаларни таркибига кирувчи бу ресурслар ишлаб чиқаришда муҳим роль ўйнайди. Ўз ўзидан маълумки хом ашё бўлмаса маҳсулот ишлаб чиқариб бўлмайди. Шу билан бирга маҳсулотни арзон баҳо билан тайёрланиши, моддий ресурсларни тежаб-тергаб сарфлашга риоя қилишга боғлиқ. Бу бўлимда моддий ресурслардан унумли фойдаланиш ва таннархни камайтиришнинг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлган 1 сўмлик норматив соф маҳсулот таркибида моддий ресурсларнинг ҳиссаси кўрсатилади. Олтинчи бўлим — меҳнат ресурслари ва социал ривожланиш масалаларига бағишланади.

Шуниси характерлики, бу бўлимда бир сўмлик норматив соф маҳсулотда иш ҳақининг ҳиссаси ҳисоблаб кўрсатилади. Корхонада меҳнатни намунавий ташкил қилишда ишчиларга маиший хизмат кўрсатиш аҳамиятини кўзда тутиб, ишчи ва хизматчиларнинг уй-жой билан таъминлаганликлари, моддий рағбатлантириш ва социал-маданий аҳтиёжлар учун ажратилган фондларни бир ишчига қанчадан тўғри келиши ҳисоблаб чиқилади.

Еттинчи бўлим — молиявий кўрсаткичларга бағишланган. Бунда корхона техник-иқтисодий тадбирларни амалга ошириш натижасида қанча миқдорда фойда олаётганлиги, унинг рентабеллик даражаси ифода қилинади. Айрим корхоналарда фойда билан бирга таннархи кўрсаткичи кўрсатилади.

Паспортнинг 8, 9, 10 бўлимларида корхонада техника тараққиётини амалга ошириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан унумли фойдаланиш кўзда тутилади.

Шундай қилиб, корхоналарга паспорт киритилиши планлаштириш савиясини оширишга қаратилган муҳим тадбирлардан биридир. Паспорт саноат корхоналари экономикасининг ҳақиқий ойнаси бўлиши учун уни тузишга тайёргарлик ҳозирдан бошланиши керак.

Ҳ. СОБИРОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

ИНСОННИ ЭЪЗОЗЛАБ

СОВЕТ жамиятида меҳнаткашлар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Кўп болали оналар, пенсионерлар ва Улуғ Ватан урушида ногиронлари катта имтиёзларга эгадирлар. Биз яқинда область социал-таъминот бўлими мудири С. А. Раҳматхўжаева билан учрашиб, ундан шу соҳада қилинаётган ишлар, кўрилаётган тадбирлар ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик:

— Областимизда 54771 кўп болали она яшайди. Ўтган йили ана шулар ҳамда уларнинг фарзандлари учун 7 миллион 976 минг 925 сўмлик нафақа берилди. 557 киши эса «Қаҳрамон она» деган юксак унвонга сазовор бўлди. Бу йил уларнинг сафи яна 312 кишига кенгайди. Ҳозир областимизда 5782 «Қаҳрамон она» истиқомат қилмоқда.

Яқинда Чирчиқ шаҳрида «Оналарни щарафлайлик» шиори остида «Қаҳрамон она»лар билан учрашув ўтказилди. Учрашувда 65 нафар онахон иштирок этиб, улар оналар ҳаёти, саломатлиги, бахтли турмуш учун ғамхўрлик қилаётган Совет давлатидан миннатдор бўлиб гапиришди.

— Улуғ Ватан уруши қатнашчилари учун бир қанча имтиёзлар берилган. Улар йилда бир марта темир йўл транспортидан 50 процент арзонлашган нархдаги билет билан саёҳатларга чиқишлари, ўзлари учун қулай муддатда отпуска олишлари мумкин. Бир йилда яна қўшимча икки ҳафта, иш ҳақи сақланмаган ҳолда, дам олишлари ҳам мумкин. Дам олиш уйлари, санаторийлар улар хизматида.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «Халқ хўжалигида пенсионерлар ишини моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори кучга кирди. Қарорда айтиладики, корхона ва ташкилотларда меҳнат шароитларини яхшилаш, шунингдек, пенсионерлар ишини моддий рағбатлантириш халқ хўжалигида пенсионерлар меҳнатидан фойдаланишни кенгайтиришга ёрдам беради. Меҳнат ветеранларининг иши катта социал иқтисодий аҳамиятга эга. Улар ёш ишчиларни энг яхши меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашга ижобий таъсир кўрсатадилар.

Қарорга биноан пенсия ёшига етгандан сўнг ишлаганлиги учун пенсияга устама пул бериш жорий қилинди. Бу пул пенсия ёшига етгандан сўнгги ҳар иш йили учун ойига 10 сўм миқдорида белгиланди. Устама пулнинг жами миқдори ойига 40 сўмдан, пенсия билан бирга ойига 150 сўмдан ошиб кетмаслиги керак. Устама пул пенсионерлар ишидан бўшаматунча бериб борилади. Ишчи ёки мастер сифатида, деҳқончилик ва чорвачилик бригадирлари бўлиб ишлаётган пенсионерларга эса пенсияга устама пул қўшиб олиш ҳуқуқи берилди.

Пенсионерларимиз қарилик ғаштини суришлари, хоҳласалар халқ хўжалигида ишлашлари мумкин. Областимизда 123258 киши қарилик пенсияси олади. 1979 йилнинг биринчи ярим йиллигида қарилик пенсиялари учун сарфланган маблағ 53,5 миллион сўмни ташкил этди.

Кексалик пенсиясига ўтиб ишлаётган Улуғ Ватан урушининг инвалидларига пенсиянинг 100 процентини тўлаш кўзда тутилган. Бунда пенсия билан иш ҳақи 300 сўмдан ошмаслиги керак.

Иш чоғида тайинланган кексалик пенсиясининг 50, 75 ва 100 процентини олишга эга бўлган пенсионерлар категорияларининг рўйхати тасдиқланди. Шунингдек, кексалик пенсиясига чиққан кишиларнинг иш ҳақларига кўра ташкилотлар билан келишилган ҳолда иш ҳақини сақламасдан икки ойгача отпуска беришга руҳсат этилди.

Бу тадбир шу йилнинг 1 январидан жорий қилина бошланди.

У. МАЛИКОВА.

КИЧКИНТОЙЛАРГА ТОРТИҚ

Республика қўғирчоқ театри янги кўркам бинога кўчиб ўтгач, ўз ижодий фаолиятини янада жонлантириб юборди. Ўқувчиларнинг қишки каникулига атаб тайёрланган «Сеҳрли қўлқоп» спектакли уларга ғоят маъзур бўлди.

Кичик саҳна усталари бошқа спектакллар устида ҳам қизғин иш олиб бордилар. «Бир бор экан, бир йўқ экан, иккі қизча бор экан», «Қор Бобонинг совғалари» деган асарлар болаларга яхши армуғон бўлди.

Бу спектакллар Тошкент трактор заводи ҳамда Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси санъат саройлари саҳналарида ҳам намойиш қилинади.

ИЛҒОРЛАРГА ШОН-ШАРАФЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ, ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ, ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ ВА ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ КОМИТЕТИДА

ОБЛАСТЬ қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда қилган докладидан келиб чиқадиган вазифаларни бажара бориб, ўзаро социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, 1979 йилда мўл ҳосил етиштирдилар ва давлатга сабзавот, картошка, қовун-тарвуз, узум сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларини бажардилар. Шунингдек, мева тайёрлаш йиллик ҳажми ҳам муваффақиятли адо этилди. Областда 808 минг тоннадан ортиқ мева ва сабзавот маҳсулотлари тайёрланди. Бу планда белгиланганидан 150 минг тонна кўпдир. Сабзавот экинлари ҳосилдорлиги область бўйича ўртача 232 центнерни ташкил этди. Бу 1978 йилга нисбатан 2 центнер кўпдир.

Қўлга киритилган ютуқлар колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг фидокорона меҳнатлари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари олиб борган оқилона ташкилий ва сиёсий ишлари самарасидир.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети районлар, колхозлар, совхозлар ва бригадалар ўртасида 1979 йилда мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтириш, ҳосилдорлигини ошириш юзасидан ўтказилган мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг Кўчма Қизил байроғи **Калинин районига** (район партия комитетининг секретари Р. Қ. Қамбаров, район ижроия комитетининг раиси Х. Аҳмедов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси С. Исмоилов, район комсомол комитетининг секретари Р. Низомов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Ж. Х. Ҳайдаров, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори Э. Ҳалилов ўртоқлар) берилди. Бу район меҳнаткашлари сабзавот етиштириш планини 120 процент, картошка планини 109 процент бажардилар. Сабзавот тайёрлаш йиллик ҳажми 132,7 процент, картошка ҳажми 125,5 процент, қовун-тарвуз ҳажми 106,3 процент, мева ҳажми 100,3 процент, узум ҳажми 104,2 процент қилиб бажаридилар ва ҳар гектар ердан 285 центнердан сабзавот, 132 центнердан картошка ҳосили олинди.

Калинин райони Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитетининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланади.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Калинин районига** (директори Т. Н. Бекматов, партия комитети секретари М. Тўлаганов, ишчилар комитети раиси Қ. Комилжонов, комсомол комитети секретари И. Расулов, бош агроном А. А. Ханзадян ўртоқлар) берилди. Бу совхоз ишчилари сабзавот етиштириш планини 120 процент, картошка планини 122 процент, қовун-тарвуз планини 102 процент, мева планини 106 процент, узум планини 102 процент қилиб бажардилар. Давлатга сабзавот топшириш йиллик ҳажми 139 процент, картошка ҳажми 114 процент, қовун-тарвуз ҳажми 138 процент, мева ҳажми 122 процент, узум ҳажми 100 процент қилиб адо этилди ва ҳар гектар ердан 314 центнердан сабзавот, 147 центнердан картошка ҳосили олинди.

«Хасково» совхози Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланади.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Калинин районидаги «Хасково» совхозига** (директори Т. Н. Бекматов, партия комитети секретари М. Тўлаганов, ишчилар комитети раиси Қ. Комилжонов, комсомол комитети секретари И. Расулов, бош агроном А. А. Ханзадян ўртоқлар) берилди. Бу совхоз ишчилари сабзавот етиштириш планини 120 процент, картошка планини 122 процент, қовун-тарвуз планини 102 процент, мева планини 106 процент, узум планини 102 процент қилиб бажардилар. Давлатга сабзавот топшириш йиллик ҳажми 139 процент, картошка ҳажми 114 процент, қовун-тарвуз ҳажми 138 процент, мева ҳажми 122 процент, узум ҳажми 100 процент қилиб адо этилди ва ҳар гектар ердан 314 центнердан сабзавот, 147 центнердан картошка ҳосили олинди.

«Хасково» совхози Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланади.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхозга** (раиси А. Абдуҳолиқов, партия комитети секретари И. Абдуллаев, комсомол комитети секретари А. Айтуганов, бош агроном П. Қурбонов ўртоқлар) берилди. Бу колхоз аъзолари сабзавот етиштириш планини 130 процент, мева планини 140 процент, узум планини 116 процент бажардилар. Давлатга сабзавот сотиш йиллик ҳажми 138 процент, мева ҳажми 133 процент, узум ҳажми 110 процент адо этилди ва ҳар гектар ердан 370 центнердан сабзавот ҳосили олинди.

Жданов номли колхоз Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланади.

1979 йилда мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш, ҳосилдорликни ошириш юзасидан эришган ютуқлари учун қуйидаги районлар, колхозлар ва совхозлар Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланадилар:

Тошкент район. Бу район меҳнаткашлари сабзавот етиштириш планини 110 процент бажардилар. Сабзавот тайёрлаш йиллик ҳажми 129 процент, мева ҳажми 105 процент, узум ҳажми 122 процент қилиб адо этилди ва ҳар гектар ердан 262 центнердан сабзавот ҳосили олинди:

гектаридан 369 центнердан сабзавот ҳосили олган **Тошкент районидаги Навоий номли колхоз;**

гектаридан 361 центнердан сабзавот ҳосили олган **Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхоз;**

гектаридан 324 центнердан сабзавот ҳосили олган **Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози;**

гектаридан 323 центнердан сабзавот ҳосили олган **Тошкент районидаги К. Маркс номли колхоз;**

гектаридан 351 центнердан сабзавот, 150 центнердан картошка ҳосили олган **Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхози;**

гектаридан 322 центнердан сабзавот ҳосили олган **Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхози;**

гектаридан 151 центнердан мева ҳосили олган **Орджоникидзе районидаги «Қибрай» совхоз-заводи;**

гектаридан 192 центнердан узум ҳосили олган **Орджоникидзе районидаги Мусамуҳамедов номли совхоз-заводи;**

гектаридан 223 центнердан узум ҳосили олган **Ғалаба районидаги «Огонёк» совхоз-заводи.**

Мева ва сабзавот ҳосилдорлигини ошириш соҳасида эришган ютуқлари учун қуйидаги бригадалар Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланадилар:

Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхозидан:

гектаридан 442 центнердан сабзавот ҳосили олган С. Ибраев бошлиқ бригада;

гектаридан 390 центнердан сабзавот ҳосили олган С. Убайдуллаев бошлиқ бригада;

гектаридан 355 центнердан сабзавот ҳосили олган С. Аштаев бошлиқ бригада;

гектаридан 354 центнердан сабзавот ҳосили олган К. Раҳметов бошлиқ бригада.

Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхозидан:

гектаридан 358 центнердан сабзавот ҳосили олган З. Юсупов бошлиқ бригада.

Калинин районидаги «Москва» колхозидан:

гектаридан 432 центнердан сабзавот ҳосили олган Р. Ҳамиджонов бошлиқ бригада;

Калинин районидаги Орджоникидзе номли колхозидан:

гектаридан 435 центнердан сабзавот ҳосили олган И. Иброҳимов бошлиқ бригада;

Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхозидан:

гектаридан 392 центнердан сабзавот ҳосили олган Т. Исматхонов бошлиқ бригада;

Калинин районидаги «Хасково» совхозидан:

гектаридан 359 центнердан сабзавот ҳосили олган М. Мирҳўжаев бошлиқ бригада.

Калинин районидаги Свердлов номли совхозидан:

гектаридан 385 центнердан сабзавот ҳосили олган О. Раҳмедов бошлиқ бригада;

гектаридан 353 центнер сабзавот ҳосили олган И. Муҳиддинов бошлиқ бригада.

Калинин районидаги «Бўзсув» совхозидан:

гектаридан 490 центнердан сабзавот ҳосили олган У. Калменов бошлиқ бригада;

Тошкент районидаги А. Навоий номли колхозидан:

гектаридан 389 центнердан сабзавот ҳосили олган М. Миртурсунов бошлиқ бригада;

гектаридан 379 центнердан сабзавот ҳосили олган К. Қорабоев бошлиқ бригада;

гектаридан 382 центнердан сабзавот ҳосили олган Б. Саидазимов бошлиқ бригада;

гектаридан 370 центнердан сабзавот ҳосили олган Э. Тожибоев бошлиқ бригада.

Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхозидан:

гектаридан 386 центнердан сабзавот ҳосили олган О. Йўлдошев бошлиқ бригада;

Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозидан:

гектаридан 366 центнердан сабзавот ҳосили олган А. Зоҳидов бошлиқ бригада;

гектаридан 382 центнердан сабзавот ҳосили олган И. Баҳромов бошлиқ бригада.

Ғалаба районидаги «Огонёк» совхоз-заводидан:

гектаридан 243 центнердан узум ҳосили олган Р. Алетдинов бошлиқ бригада.

Орджоникидзе районидаги Мусамуҳамедов номли совхоз-заводидан:

гектаридан 257 центнердан узум ҳосили олган Э. Абдураимов бошлиқ бригада;

гектаридан 202 центнердан узум ҳосили олган И. Иброҳимов бошлиқ бригада.

Социалистик мусобақа шартига мувофиқ область план бўлимига социалистик мусобақа ғолибларига сотиш учун Калинин районига, Калинин районидаги «Хасково» совхозига, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхозга биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

Илғор бригада коллективларига СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига йўлланмалар ажратилади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, «Ташсадвинсовхоз» трести, «Сортсемовош» область бирлашмаси, хўжаликларнинг партия ташкилотлари ва раҳбарларининг диққат-эътибори картошкачиликни ривожлантириш юзасидан зарур чоралар кўрилмаганлигига, оқибатда 1979 йилда аксарият кўпчилик колхоз, совхоз ва районларда картошка етиштириш планларининг бажарилмай қолганлигига қаратилди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, «Ташсадвинсовхоз» трести «Сортсемовош» бирлашмаси, хўжаликларнинг партия ташкилотлари ва раҳбарлари зиммасига КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорлари асосида 1980 йилда сабзавот ва мева маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси юклатилди. Бунда асосий эътибор картошка уруғчилигини тўбдан яхшилаш, ҳосилдорликни кескин ошириш ва бу муҳим озуқа маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришга қаратиш зарур.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари, область телевидение ва радио эшиттириш бош редакцияларига сабзавот, картошка, мева ва узумдан юқори ҳосил олиш социалистик мусобақаси ғолиблари бўлган илғор районлар, колхозлар, совхозлар ва бригадаларнинг иш тажрибасини кенг пропаганда қилиш топширилди.

Ю. КОРНИЛОВ.
Р. МУСИН.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

ТАДҚИҚОТЛАР БЕҲИСОБ

Ўнинчи беш йилликда илм-фан аҳллари томонидан бажарилган ишлар, тадқиқотлар баракали ва салмоқли бўлмоқда.

Ўтган йил серқуёш республикамиз пойтахти Тошкентда илм-фаннинг турли йўналишлари бўйича катта анжуманлар ўтказилганлиги билан ҳам эътиборга сазовордир. Қуйида бу хил йиғинларнинг айримлари ҳақида мутахассисларнинг фикрлари билан танишасиз.

УЛКАН АНЖУМАН

М. САИДОВ — профессор

АТОҚЛИ ўзбек олими У. Орифов хотирасига бағишланган мамлакатимиз физикларининг Бутуниттифоқ симпозиуми ўзига хос илмий анжуманга айланди. Ана шу тадбир атом заррачаларининг қаттиқ жисм юзаси билан ўзаро таъсирига бағишланди.

Москва, Ленинград, Киев, Минск, Горький, Харьков ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидан 300 дан ортиқ мутахассис қатнашган симпозиумда замонавий физик электрониканинг муҳим масалалари бўйича 30 га яқин доклад тингланди. 160 дан ортиқ ёзма доклад стендларда намойиш қилинди.

Меҳмонлар академик У. Орифов ва бошқа атоқли олимлар асос солган республика физик-электроникаси мактаби ишига юқори баҳо бердилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли У. Орифов номидаги Электроника илмий-текшириш институтида амалга оширилаётган тадқиқотлар ҳам улар этиборини ўзига тортди.

Умуман, мазкур симпозиум иттифоқимиз олимларининг атомни инсон хизматига бўйсундириш борасида кейинги йилларда қўлга киритган ютуқларига катта бир якун бўлди.

ЮТУҚЛАР, ВАЗИФАЛАР

Ҳ. РАҲИМОВ — профессор

БИОХИМИЯ фаннинг муҳим йўналиши сифатида тезкорлик билан ривожланиб бормоқда. Унинг, айниқса радиобиология билан ҳамкорлиги ўзига кенг йўл топди. Шунинг учун ҳам бу мавзу жаҳон миқёсида муҳим тадқиқот объектларидан бири бўлиб қолди.

Ўтган йилнинг октябрь ойида етакчи тадқиқотчилар Тошкентда тўпландилар. Биохимия фани ривожига бағишланган мазкур Бутуниттифоқ симпозиуми СССР Фанлар академиясининг радиобиология ечимлари бўйича илмий кенгаши, Биохимия институти ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳамкорлигида чақирилди.

Илмий анжуман кун тартибида радиобиологиянинг ҳайвонлар ҳамда ўсимликларга таъсири муаммолари турар эди. Чиндан ҳам ҳозир бу мавзу кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортмоқда. Ўзбек олимлари томонидан радиобиология соҳасида қилинган тадқиқотлар ҳам яхши натижалар бермоқда.

Пахтачиликни ривожлантиришда ҳам унинг роли катта. Ўсимликлар экспериментал биологияси институти лабораторияларида бажарилган ишлар буни яққол исботлаб турипти.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг мухбир аъзоси, таниқли биолог олим Н. Назиров раҳбарлигида тадқиқ қилинаётган янгиликлар ўз актуаллиги билан диққатга сазовордир. Шу йиғинда ўртоқ Н. Назиров мазмунли доклад билан чиқди. У радиобиология фани истиқболи туфайли ғўзанинг вилтга чидамли ва серҳосил навларини яратишга муваффақ бўлинганлигини илмий муассаса олимлари иш тажрибаси мисолида батафсил гапириб берди.

Бутуниттифоқ симпозиумида мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган мутахассис олимларнинг доклад ва ахборотлари ҳам қизиқиш билан тингланди. Радиобиология ва биохимия фани олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Шу йўсиндаги илмий анжуман илғор тажрибаларни умумлаштиришда алоҳида аҳамият касб этади. Шу сабабли бундай илмий тадбирларни келгусида ҳам давом эттириш лозим деб топилди.

СССР Фанлар академияси ҳузурида радиобиология бўйича тузилган комитет бу ишларга бевосита раҳбарлик қилади.

АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

ҚОБУЛ, 2 январь. (ТАСС мухбирлари). Афғонистон пойтахти маҳкамаси биноси пештоқига Қобул эмблемаси қўйилган. Унда қудратли қанотларини кенг ёзган мағрур лочин панжасида шаҳар дарвозасининг олтин калитини кўтариб олган. Шу кунларда шаҳар маҳкамаси айниқса гавжум. Қобул аҳолиси — ишчилар, ҳунармандлар, савдогарлар, ўқувчилар республиканинг янги революцион ҳукуматини қўллаб-қувватлашларини изҳор этиш, Апрель революциясининг ғалабаларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш йўлида ҳамма ишни қилишга қатъий бел боғлаганликларини тасдиқлаш учун бу ерга келмоқдалар.

Пойтахтдаги давлат муассасалари, саноат ва савдо корхоналари ишлаб турибди. Янги йилнинг биринчи куни бу ерда ҳукумат номидан нашр этилаётган «Ҳақиқати инқилоби савр» («Апрель революцияси тўғрисида ҳақиқат») газетасининг, шунингдек «Кабул нью таймс» газетасининг биринчи сонлари босилиб чиқди.

Афғонистон Демократик Республикасининг телевидениеси ишлай бошлади.

Газеталарнинг биринчи саҳифаларида революцион кенгаш президиуми ва АДР ҳукумати аъзоларининг фотосуратлари босилган, Афғонистон Демократик Республикаси революцион кенгашининг илгарироқ Қобул радиоси орқали эшиттирилган баёнотлари эълон қилинган.

Шаҳар марказида, доимо ҳаёт қайнаб турган шовқин-суронли савдо районлари яқинида Афғонистоннинг Бахтар ахборот агентлиги жойлашган. Бу ерда кечаю-кундуз штирлаб турган телетайп аппаратлари мамлакатнинг ҳамма томонларидан янгиликларни ёзиб олмоқда. Бир неча кун муқаддам агентлик президенти этиб тайинланган Абдул Қодир Мал сўнгги хабарларнинг бир дастасини столдан олади.

Мана буларга қаранг: аҳолининг кенг оммаси, корхоналарнинг коллективлари, деҳқонлар, ҳунармандлар, ҳарбий қисмлар янги ҳукуматнинг программасини бажонидил қўллаб-қувватлаётганликлари тўғрисидаги хабарлар Афғонистоннинг турли вилоятлари ва шаҳарларидан пайдар-пай келиб турибди.

Энди, Совет Иттифоқи Афғонистон ҳукумати билан бутун халқининг илтимосига биноан бизнинг мамлакатимизга ёрдам, шу жумладан ҳарбий ёрдам берган бир пайтда империализм бизнинг мамлакатимизга қарши роллли ирғоғарлик қилишдан аввал уч ҳисса кўпроқ ўйлаб кўришга мажбур эканлиги кўпгина телеграммаларда таъкидланмоқда. СССР революцияни ҳимоя қилишда, янги турмуш қуришда афғон халқига ёрдам беришга тайёр эканини амалда исботлади.

Кобулдан бир неча чақирим жануби-шарқда, ҳувиллаб ётган овлоқ текислик ўртасида Пули-Чарки қамоқхонасининг ёнига оломон тўпланган. Улар АДР ҳукуматининг қарорига мувофиқ ҳибсдан чиқарилаётган қариндошуруғлари ва ёр-биродарларини кутиб олиш учун бу ерга келганлар. Собиқ маҳбуслар мадордан кетган, кўпларининг танасида шафқатсиз калтак ва қийноқ излари сезилиб турибди, уст-бошлари йиртилиб кетган, аммо чеҳраларида қувонч учқунлари чақнаб турибди.

Ю. КОРНИЛОВ.
Р. МУСИН.

КАРМАЛ БАБРАКНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ҚОБУЛ, 2 январь. (ТАСС). Афғонистон Халқ Демократик партияси (АХДП) ташкил этилган куннинг 15 йиллиги муносабати билан Қобулда АХДП Марказий Комитети, Революцион Кенгаш Президиуми, Афғонистон Демократик Республикаси ҳукумати, шу партия активларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси ва Бош министри Кармал Бабрак нутқ сўзлади. У АХДПнинг мамлакат турмушидаги ролига юксак баҳо берди. Халқ манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячиси бўлмиш АХДП империализмга ва реакцияга қарши, жамиятдаги эксплуататор синфларни тугатиш учун курашмоқда, демократия, тараққиёт ва социал адолатни ҳимоя қилмоқда, ижтимоий ва миллий эркиликларни амалга ошириш интилмоқда, деди у. Кармал Бабрак Афғонистондаги Апрель революциясининг муҳим аҳамиятини уқтириб, бу революция ҳозир тинч меҳнат шароитларини, чинакам хавфсизликни, озодлик ва демократияни тезроқ таъминлашнинг янги босқичига кирганини таъкидлаб ўтди. Шу муносабат билан, деди сўнгра у, революцияни ички контрреволюциядан ва империалистларнинг аралашувидан ҳимоя қилиш мамлакат халқи олдида турган энг муҳим вазифадир. Бу вазифани амалга оширишда АХДП етакчи роль ўйнамоқда.

Апрель революциясининг дастлабки қуйларидан бошлаб Америка империализми, империалист кучлар, улар реакцион сиёсатининг региондаги гумаштаси бизнинг ички ишларимизга аралашиб, ўз жосуслари ва агентларини юборибмиз, афғон халқининг миллий озодлик ҳаракатини тўғри йўлдан тойдириб юборишга ҳамда Афғонистоннинг ривожига тўсқинлик қилишга беҳуда уриндилар. Бироқ, деб уқтирди Кармал Бабрак, партия ва халқ туфайли, мамлакатимизнинг чин дўсти — тараққиёт ва озодлик учун курашчи бўлган Совет Иттифоқининг бегараз моддий ва маънавий мададкорлиги, унинг қардошларча ёрдами туфайли Афғонистон ташқи душманларининг фитналари тугатилди. Кармал Бабрак АҚШ президенти Ж. Картернинг яқинда айтган гапларини қоралади ва бу гапларни аслида Афғонистоннинг ички ишларига аралашув, деб баҳолади. Бошқа империалист кучларнинг ҳамда шу региондаги реакцияннинг бераётган баёнотлари ҳам АҚШ президентининг гапларига ҳамоҳанг бўлиб тушмоқда, деб уқтирди у.

Кармал Бабрак Афғонистон халқи билан Совет Иттифоқи халқи ўртасидаги дўстона муносабатларни юксак баҳолади.

«Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида чуқур дўстлик ва қардошлик муносабатлари мавжуд», — деб таъкидлади у. Совет Иттифоқининг узоқ вақтдан бери тараққиёт ва ривожланиш, демократияни ҳимоя қилиш, Афғонистоннинг миллий мустақиллиги ва территориал бутунлигини муҳофаза этиш йўлида иқтисодий, техникавий, сиёсий ва ҳарбий соҳаларда бериб келаётган кенг кўламдаги ёрдами хусусида афғон халқи беҳад ташаккур, миннатдорчилик, мамнуният изҳор этмоқда ва уни маъқулламоқда.

АДР ҳукуматининг илтимосига кўра Совет ҳукумати ижобий жавоб бериб, сиёсий мадад ва моддий ёрдам, шу жумладан шошилинч ҳарбий ёрдам берганлиги иккала мамлакат ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида 1978 йил 5 декабрь куни тузилган шартномага таянади. Бу ижобий жавобни эрксевар афғон халқи зўр қувонч билан маъқуллаб қутиб олди. Афғонистон ташқи душманларининг тинимсиз давом этаётган агрессив ҳаракатларидан ҳимоя қилиш учун, Афғонистоннинг мустақиллиги, территориал бутунлигини ҳимоя қилиш учун Совет Иттифоқи берган ҳарбий ёрдам БМТ Уставига ва халқаро ҳуқуққа батамом мос бўлиб тушади.

БМТ Уставининг 51-моддасига биноан ҳар бир мамлакат зарурат туғилган пайтда бошқа дўст мамлакатдан ёрдам сўрашга ҳақлидир. АДР ҳукумати ҳоҳлаган ҳар қандай пайтда, бизнинг мамлакатимизга чет эл агрессияси тўғрисидаги масала йўқ бўлгач ҳамда регионда тинчлик ва хавфсизлик таъминлангач, Совет Иттифоқининг чекланган ва оз миқдордаги қўшинлари Афғонистон территориясидан чиқиб кетади. Биз айтамизки, башарти Афғонистоннинг ташқи душманлари агрессив ҳаракатлар қилишга гиж-гижлашни тўхтатмасалар, биз Афғонистон халқининг ҳоҳиш-иродасини ифодалаб, Апрель революцияси ғалаба ларини, мустақиллик ва миллий суверенитетни ҳимоя қилиш учун Совет Иттифоқидан ва бошқа тинчликсевар мамлакатлардан кўпроқ ёрдам сўраймиз.

АХДП Марказий Комитети ва АДР Революцион Кенгаши номидан Кармал Бабрак «Қайси синфга, дингга мансублигидан, тилидан, қабиласи ва миллатидан, идеологияси ва сиёсий масалаларидан қатъий назар», барча сиёсий маҳбусларга умумий афв эълон қилди.

ХАЛҚНИНГ АҲДИ ПАЙМОНИ

ҚОБУЛ, 2 январь. (ТАСС мухбирлари). Афғонистондаги таниқли диний арбоблардан бири, уламолар кенгашининг раиси Абдулазиз Сиддиқ қуйидагиларни айтди: «Ғарбдаги баъзи мамлакатларнинг ва аввало АҚШнинг муайян доиралари суверен Афғонистоннинг ички ишларига аралашиш йўлида қилаётган қўпол уринишлари муносабати билан гоят даргазаб бўлмасдан қола олмайсан, киши».

Ҳозирги вақтда Афғонистоннинг 15 миллиондан зиёд халқи, мамлакатнинг барча мусулмонлари, деди у ТАСС мухбирлари билан суҳбатда, Америка империализми режаларида жиноий қурол бўлиб хизмат қилган Амин истибдоди бартараф этилганлиги муносабати билан астойдил қувонч изҳор этмоқдалар. Бутун халқимиз Апрель революцияси йўлидан, ҳамма миллий ва тараққийпарвар кучларни батамом бирлаштириш, янги мағрур, озод ва мустақил Афғонистонни барпо этиш йўлидан олга боришга азму қарор берган. Совет Иттифоқи бизнинг илтимосимизга лаббай деб жавоб қайтариб, барча зарур ёрдамни бергандан кейин, деб таъкидлади АДР уламолар кенгашининг раиси, бизнинг империалистик агрессорлар ва ирғоғарларга қарши ишончли қалқонимиз бор.

Сўнгра Абдулазиз Сиддиқ қуйидагиларни маълум қилди: шу кунларда уламолар кенгашига мамлакатнинг турли вилоятларидан кўпдан-кўп хат ва телеграммалар келиб турибди. Ана шу хат телеграммаларда оддий софдил мусулмонлар ва таниқли дин пешволари янги ҳукуматнинг сиёсий йўлини қўллаб-қувватлаётганлик л арини изҳор этмоқдалар. Улар Совет Иттифоқининг БМТ уставига, АДР билан СССР ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида 1978 йилда тузилган шартномага мувофиқ, шунингдек, Афғонистон ҳукуматининг бир неча марта қилган мурожаатларига мувофиқ берган ёрдамини табриклайдилар. Бундай ёрдам, деб таъкидлайди у, инқилоб ғалабалари бой берилмаслигининг, Ислом дини эса таҳқирланмаслигининг гаровидир. Барча афғонлар, мусулмонлар, бутун халқимиз империалистлар ҳамда улар гумашталарининг, мамлакатимизга, унинг сиёсатига, Совет Иттифоқи билан дўстлигимизга сурбетларча қилаётган мислсиз ҳуружларини қатъиян рад этмоқдалар, деди пировардида Абдулазиз Сиддиқ.

Ю. КОРНИЛОВ,
Р. МУСИН.



ГДР. Республикада катталиги жиҳатидан иккинчи—Эйбеншток сунъий сув омбори бунёд этилмоқда. ГДР территориясида амалга оширилаётган гидротехника иншоотлари қурилишида совет олимлари ҳамда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатларнинг мутахассислари қатнашмоқдалар. АДН—ТАСС фотосм.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ТЕҲРОН. Бу ерда Эрон янги конституциясининг лойиҳаси ҳусусида бундан бир ой аввал ўтказилган умумхалқ референдумининг натижалари эълон қилинди. Овоз беришда 15 миллиондан кўпроқ эроникликлар қатнашди. Мамлакатнинг янги асосий қонуни катта кўпчилик овоз билан маъқулланди. Парс агентлиги шу ҳақда маълум қилди.

МЕХИКО. Бу ерда янги чақириқ Мексика конгресси депутатлар палатасининг биринчи сессияси ўз ишини тугатди. Маълумки депутатлар палатасининг ҳозирги составы 1979 йил 1 июлида ўтказилган парламент сайловида сайланганди. Бу сайловда 30 йил ичида илк бор Мексика компартияси қатнашди.

МКП Марказий Комитетининг бош секретари депутат Арнальдо Мартинес Вердуго сессиянинг якунловчи мажлисида гапириб, унинг иш натижалари ижобий бўлганлигини таъкидлади.

(ТАСС).

„ЛЕНИННОМА“ КОНКУРСИГА МАРҲАМАТ

ҮНИНЧИ беш йилликнинг якунловчи йилига қадам қўйдик. Бу йил биз ҳаммамиз Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини зўр тантана билан нишонлаймиз. Инсониятнинг улуғ доҳийси юбилейи муносабати билан «Тошкент ҳақиқати» газетаси ва Тошкент область журналистлар ташкилоти правленниеси «ЛЕНИННОМА» конкурсини эълон қиладилар.

Конкурсда ёзувчи ва журналистлар, газетанинг кўп сонли ишчи-деҳқон мухбирлари В. И. Ленинга бағишланган бадиий асарлари: очерк, ҳикоя, публицистик мақола, лавҳа, достон, қасида шеър ва қўшиқлар билан қатнашишлари мумкин. Бу асарларда буюк инсон Ленин ва унинг ўлмас ғоялари тараннум этилиши керак.

Ўлкамизда Ленин васиятларини амалга ошириш учун олиб борилган катта ўзгартирувчилик ишлари ҳақида, Ленин ишининг давомчилари бўлган барҳаёт ветеранлар, Ленин орзуларини рўёбга чиқараётган ажойиб замондошларимиз, доҳийнинг табаррук номи билан боғланган жойлар ҳақида ҳикоя қилиниши керак.

Конкурсга В. И. Ленин туғилган кунда якун ясалади.

Ғолибларни қуйидаги мукофотлар кутади:

БИТТА БИРИНЧИ МУКОФОТ — 150 сўм.

ИККИТА ИККИНЧИ МУКОФОТ — ҳар бири 100 сўмдан.

УЧТА УЧИНЧИ МУКОФОТ — ҳар бири 75 сўмдан.

Конкурсга юбориладиган конвертларга «Тошкент ҳақиқати» конкурсига» деб ёзиб қўйишни унутманг.

«Лениннома» конкурсига марҳамат.

САНЪАТ КОШОНАСИДА

Республика Давлат санъат музейида бўлганмисиз? Агар рус ва ўзбек халқи амалий ва тасвирий санъати билан, иттифоқдош республикалар, Европа ва Шарқ мамлакатларининг санъати билан танишмоқчи бўлсангиз, албатта, бу улкан санъат кошонасига марҳамат қилинг.

Музей Ўзбекистон қадимий санъати ёдгорликлари кўргазмаси билан бошланади. Мана, Шаҳрисабздаги Оқ сарой, Бухородаги Минораи Калон ва Самарқанддаги Улуғбек мадрасалари деворларидан кўчирилган нақшлар нусҳаси...Бу сирли олам мўъжизалари ҳанузгача жуда кўпларни ҳайратга солиб, лол қолдирмоқда. Қадимий Бухоро, Маргилон ва Самарқанд ўймакорларининг асарлари кишига ўзбек халқининг миллий санъатидан, унинг ҳаётидан ҳикоя сўзлаётгандай ҳис этасиз ўзингизни.

Тошкентлик ўймакорларнинг ганча ишланган «Мажнунтол» асари ёнида бир зум тўхтаймиз. Ана шу ерда санъат сеҳрини ҳис қилиш, ҳаёлан бахтсиз севги қиссасини тинглаш мумкин.

Ўзбек миллий хонтахталари, саккиз оёқли стол, панжаралар ва эшик нусҳалари, қаламдонлар безакларига қойил қолмасдан илож йўқ.

— Сиз 82 ёшли Ҳамробуви Раҳимованинг эртаклар оламига кириб келяпсиз, — фикримизни бўлади музей ходими Г. И. Рубцова. — Лойдан ажойиб дид билан ишланган хилма-хил ўйинчоқлар, афсона ва эртаклар қаҳрамонлари, турли ҳунтакчалар, ўзбек халқ амалий санъати намуналаридир. Бу санъат ҳозиргача халқ орасида кенг тарқалмаган.

Шаҳрисабз, Нурота каштачилари тиккан палаклар, гулнусҳа наматларни айтмайсизми? Дарвоқе, улар санъат умрининг тугамаслигидан дарак бермасмикин? Чинни лаганга туширилган қумғон тасвири эса ўзбек халқининг меҳмондўстлигини ифодалайди.

Шу кунларда музей залларида Ўзбекистон ССР халқ рассоми, таниқли санъаткор Ўрол Тансиқбоев туғилган кунининг 75 йиллиги муносабати билан унинг асарлари кўргазмаси ҳам очилган. Санъаткор ижодига сарлавҳа қилиб «Менинг қўшиғим» асарини олиш мумкин. Дарҳақиқат, кўргазма билан танишар экансиз, бутун зал бўйлаб бир қўшиқ янграётгандай туюлади. Бу қалб қўшиғи — санъат қўшиғидир.

Музейнинг иккинчи қаватида рус санъати намуналари ўрин олган. Бу ерда буюк рус санъаткорларининг ижоди билан танишиш мумкин. Айниқса, Д. Г. Левицкий нинг «Е. Воронцова», М. П. Сверчковнинг «Бўрон», Г. Е. Маковскийнинг «Оилавий сурат» каби асарлари диққатга сазовордир. Фил суягидан инкрустация йўли билан ишланган шкаф, стол, стуллар томошабин эътиборини ўзига жалб қилади.

Учинчи қаватда эса Шарқ мамлакатлари санъатининг намуналари. Нозик дидли япон ва хитой санъаткорларининг ишлари кишига завқ бағишлайди. Англия, Франция, Германия, Нидерландия, Италия ва Испания санъаткорларининг қадимги мифлар асосида чизилган суратлари, портретлари ўзининг жозиблиги, нафислиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб турипти. Жумладан, Э. Б. Мурильонинг «Марямнинг тирилиши» асари ғоят илҳомбахшдир.

Бу санъат кошонасига ҳар куни минглаб кишилар келишади. «Таклиф ва истаклар» китобида Токио, Мехико, Москва, Ленинград каби адресларни кўриш мумкин. Улар бу ерга ўз ҳис-ҳаяжонларини, қалб сатрларини битиб кетишган. Музейни айлангач, биз ҳам ўз миннатдорчилигимизни ёзиб қолдирдик: «Ажойиб санъат намуналари кўргазмаси учун ташаккур».

У. АБДУМАЛИКОВА.

Ғолиб ўқувчилар

Ишларнинг техника ижодкорлигини ривожлантиришда мактабдан ташқари болалар муассасаларининг роли катта. Буни Тошкент шаҳар ёш техниклар станцияси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ҳозир бу ерда 10 дан ортиқ тўгарак ишлаб турибди. Кино ва фото тўгараклари машғулотларига ҳам кўпгина ўқувчи аъзо.

Шаҳар фото ҳаваскорларининг бўлиб ўтган конкурси болаларга қувонч олиб келди. «Менинг бувим», «Оқшом» каби фоторепродукциялар муаллифлари эса шаҳар халқ маорифи бўлимининг иккинчи даражали дипломи билан тақдирландилар.

КЎРГАЗМАГА ТАРАДДУД

Тошкентда ёш рассомларнинг «Истеъдодлар намойиш қиладилар» деган республика кўргазмаси очилади. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, республика рассомлар Союзи ва Ўзбекистон Ленин комсомоли Марказий Комитети қўшма қарори билан ташкил этиладиган мазкур маданий тадбирга пухта ҳозирлик кўрила бошланди.

Тасвирий санъатнинг барча жанрларига оид энг яхши асарлар экспозициядан ўрин олган. Монументал ва манзарали — амалий санъат намуналари билан ҳам яқиндан танишиш мумкин.

Кейинчалик экспозициядаги кўпгина экспонат Москвада очиладиган мамлакатимиз ёшлари Бутуниттифоқ кўргазмасига қўйилади.

КОЛХОЗДА АРЧА БАЙРАМИ

Охунбобоев номли ёш томошабинлар театрининг ижодий коллективи Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозига меҳмон бўлиб келишди.

Колхоз маданият саройининг залига катта арча ўрнатилган. Турли туман ўйинчоқлар билан безатилган арча атрофига колхоз территориясидаги боғчаларда тарбияланаётган қичқиртойлар, мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари таклиф этилган. Қичқиртойлар Қорбобони гулдўрос қарсаклар билан кутиб олишади. Қувноқ қўшиқ, дилрабо куй янграйди. Болалар қўшиқ айтишади, рақсга тушишади. Энг яхши маҳорат кўрсатган болаларга Қорбобо Янги йил совғалари улашди.

Арча байрамининг иккинчи қисми маданият саройи саҳнасида давом этди. Театр ижодий коллективи қичқиртойларга «Сеҳрли соат» деб номланган спектакларини торгиқ этишди. Ёш томошабинлар артистлардан Л. Саъдуллаев, Г. Саъдуллаева, Э. Каримов ва бошқаларнинг чиқишларини мамнуният билан кутиб олдилар.

Ш. РАҲМАТОВ.

БИЛДИРИШ

«Тошкент ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетининг машғулоти бугун соат 18 да бўлади.

„ОЛТИН ҚУМ“ ЖИЛОЛАРИ

ҲАЁТДА ҳар касб-ҳунарнинг ўз гашти бор. Биз геолог бўлганимиз учун бу касбнинг машаққатли ва роҳатини яхши биламиз. Геологлар ҳаёти кўпинча табиат қўйнида ўтади. Бу серманзара кунлар умрга умр қўшади, она диёрга муҳаббатни оширади. Шундай серзавқ ва сермашаққат касб кишилари—геологлар ҳақида таниқли адибимиз Саъдулла Кароматов роман яратди. «Олтин қум» деб аталган бу роман «Шарқ юлдузи» журналининг 1979 йил сонларида босилди. Бу романни геологлар ҳаёти тўғрисида ўзбек совет прозасида яратилган биринчи йирик асар десак муболаға бўлмайди. Таниқли шоиримиз Жуманиёз Жабборов «Тоғлар садоси» достонини геологларга бағишлаган эди. Шоир геологлар меҳнатига юксак баҳо бериб:

«Геолог! Ҳавас-ла боқаман сенга,
Айни жасоратдир сенинг меҳнатинг.
Чексиздир ихлосим шонли касбингга
Муддаом — ишлашда сенга бўлсам тенг».

деб ёзганди. Айни пайтда, ёзувчи С. Кароматовнинг романида геологларнинг бетинам, жасоратли ҳаётини жонли картиналарда, кенг ва атрофлича тасаввур қиламиз.

Асарнинг бош қаҳрамони Шерали Алиев — оддий қишлоқ йигити, у ўқимишли, йирик геолог олим бўлиб етишади. Бутун ҳаётини ер қаърида тилсим бўлиб ётган фойдали қазилмаларни излаб топиб, халққа хизмат қилдиришга бағишлайди. Ажнабий тил ўрганади, халқаро кўламдаги аллома бўлиб етишади. Лекин, у оддий одамлигича қолади: унинг характерига даббаба, шуҳратпарастлик бегона. У ҳам бошқалардек севади, севилади, бахтсизликни бошидан кечиради, ишқнинг висолидан шодланса, фироқига бардош беради.

Романда геологик изланиш ва қидирув ишларининг Урта Осиёдаги тарихига ҳам яхшигина ўрин берилган. Ота-боболаримизнинг кон излаш ва топиш усуллари шунчалик такомиллашган бўлганки, улар айрим ҳолларда ҳозирги геофизик асбоблар ҳам аниқлай олмайдиган ишларни бажарганлар.

— Демак,—дейди асар қаҳрамони Шерали Қорамозордаги кўҳна конларни кўздан кечираётиб,— конларни кидириб топиш санъатидан бўлак, шуларга асос берган фаннинг ўзи ҳам Ўрта Осиёда юксак даражада ривожланган. Аммо, афсуски, ота-боболаримиз ёзиб қолдирган геологик қидирув ишларининг қўлланмалари замонлар алғов-далғовида йўқолиб кетган.

Шералининг раҳбари Павел Иванович образи романдаги ёркин сиймолардан бири. У ҳам талабчан, раҳбар, ҳам қобилиятли, сидқидилдан илм берадиган педагог, меҳрибон мураббийдир.

Асарда Виктор, Омон, Карим (Шералининг дўстлари) лар қатнашади. Виктор — қизиққон, сергап, «шоирнамо» талабадир. Омон бўлса: чўрт кесар, мустақил фикрли, узоқни кўра биладиган, тадбиркор дўст. Карим — вазмин, ўйлаб сўзлайдиган, етти ўлчаб бир кесувчи, камсуқум. Муаллиф юқоридаги персонажларнинг гапларида уларнинг ҳар бирининг феъл-атворини оча билган.

Асарда, илғор геологик қидирув усулларини тез илғаб ололмайдиган, ўз фикрида (у хато бўлганда ҳам) туриб оладиган, ҳайриҳоҳлик кўрсатмайдиган шахслар ҳам учрайди. Фикримиз далили Гуревич образида мужассамлашган. Ундан бўлак, «юқоридаги «ўз» кишисига суяниб иш кўрувчи қадимги конлар келажагига ноумид қаровчи, Гуревичнинг сўзидан чиқмайдиган геолог образи Латиф Бокизода қиёфасида кўзга ташланади.

Ҳар бир инсон вояга етишида озми-кўпми ҳамиша қандайдир қийинчиликларни бошидан кечиради. Кимнингдир ота-онаси бевақт вафот этиб, етим бўлиб қолади. Кейин у ҳаётнинг аччиқ-чучукларини бошидан кечиради. Яхшилик кўрган кишисига меҳри ортади, ёмонларни эса нафрат билан эслаб юради. Ундай кишилердан қочади, четлашади, иложини топса шундай одамларнинг тазирини беради. Роман қаҳрамони Шерали ҳам шу каби ҳолларни бошидан кечиради. Отаси ўлимидан сўнг одамгарчиликдан узоқ, бағри тош Ёқубга дуч келади. Бу ҳаёт сабоқлари унга, келажакда одам танишига ёрдам беради. Табиатан яхшиликка мойил Шерали ҳақиқатгўй бўлиб етишади. Узидаги камчиликларни йўқотишга ҳаракат қилиши билан бирга, одамларнинг иш соҳасидаги камчиликларини юзига айтади ва уларни бартараф этишга кўмаклашади, бошқалар ташвишига бефарқ қарай олмайди, ғийбатга учмайди. У софдил, ўзига ва ўзгаларга талабчан инсондир. Бу соҳада унга домласи Павел Иванович намуна кўрсатади. Қобилиятли шогирд устоз даражасига кўтарилиб, халқаро кўламдаги олим бўлиб етишади.

Шералининг ўсмирлик йиллари уруш даврига тўғри келади. Муаллиф Совет халқи учун синов бўлган уруш ташвишларини, қийинчиликларини, шу даврдаги геология ҳаётини, Ватаннинг улар олдига қўйган талабларини қисқа тафсилотларда атрофлича акс эттирган. Ватанимизнинг ноёб маъданларга бўлган эҳтиёжи Шерали Алиев, Қутбиддин Билолов, Павел Петровский, Ҳафиз Абдулатипов сингари жонкуяр геологларсиз қондирила олмаслиги романнинг туб моҳиятини очади.

Романда Зарифа, «шумтака» лаборант, Оғажон образлари ҳаётга юзаки қарайдиган, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрувчи, одамлар қадрига етмайдиган геологик жараёнларни тасаввур қила олмайдиган кимсаларни ўзида мужассамлаштиради.

Совет давлат арбоби, улкан олим, меҳрибон мураббий, сергак геолог образи Абдулатипов тимсолида ҳам асардан жуда яхши ўрин олган. У Шералига бундай мурожаат этади:

ТАҚРИЗ

— Жиддий йигит кўринасиз, бунга диссертациянгиз билан танишиб чиққандаёқ ишонч ҳосил қилган эдим. Геология институтида истеъдодли одамлар кўп. Биз турган замин бағри, шубҳасиз маъдан конларига бой. Булар нодир сандиқлардир. Уларнинг калити биз геологлар томонидан қанча тез топилса, иш шунча илдам кўчади. Ҳар бир давлатнинг куч-қудрати шу давлат заминининг бойликлари нақадар яхши ўзлаштирилганлиги ва маъдан конларининг фойдаланиш даражаси билан ўлчанишини унутмаслигимиз керак. Муаммолар беҳисоб. Масалан, олтинни олиб кўрайлик. Ҳозир геологлар олтин конларини топиш устида бош қотиряптилар. У қандай тоғ жинсларида бўлади. Олтин кўпроқ қайси минераллар билан ҳамроҳ, қайси минтақага боғлиқ, у қайси тоғ ҳосил қилиш жараёнининг маҳсули... У ёғини суриштирсангиз қилинадиган ишлар кўп.

Партия ва давлат арбобларининг урушдан кейинги ҳароб хўжалигимизни тиклаш борасидаги муҳим ишлари геолог-олимларни ҳам илҳом билан ишлашга даъват этганликлари, уларга керакли шароит яратиб берганликлари романда жуда яхши тасвирланган.

Аксарият пайтларда, фақат геологларгагина насиб бўладиган табиатнинг ажиб бурчақлари, «Эрам боғи»га монанд водийлари ўлкамизнинг Қриму Кавказлари билан беллаша оладиган тоғли жойлари тасвири, шу жойларда ҳам одам олиш минтақалари ташкил этиш лозимлиги каби масалалар романда шу куннинг муҳим муаммоси бўлиб жаранглайди.

Ўз касбини жондан севган Шерали Синтобга экспедиция бошлиги сифатида келганидан кейин, ўз ҳамроҳларини тўплаб олтин излаш усулларини яна бир бор таъкидлаб, нималарга эътибор бериш кераклигини, олтин билан бирга қандай минераллар учрашлигини, уларнинг ташқи белгиларини ва ҳатто ҳидигача батафсил гапириб беради. Жумладан, у бундай дейди: «Гап бундоқ, оғайнилар, тахминимча, шу атрофда кварц томирлари ёки кварцлашган тоғ жинслари бўлиши керак. Вазифа: шу жинсларни топиш. Булар олтинли бўлиши мумкин. Фойдали қазилмалар ҳақидаги адабиётлардан маълумки, олтин юқорида мен айтган тоғ жинсларида, ёки пирит ва арсенопирит, яъни темир ва маргимуш колчеданларида ё мис, қўрғошин, кумуш ва теллур бирикмалари билан бирга келади. Бу ердаги шароит, яъни Синтоб ва умуман Нурота тоғи шароити ўзининг чўқуррокда гранит массивларининг юқори ҳарорати таъсирида пайдо бўлган тоғ жинслари билан бу ерда биринчи туркумдаги олтинли томирлар бўлишини тақозо этади. Биз арсенопирит ва қўлаверса олтиннинг ўзини қидириб топишимиз керак. Болта билан урганда маргимуш бор тоғ жинсидан саримсоқ ҳиди келади. Олтин эса умуман кўринмаслиги мумкин. Қани кунни ўтказмай, ишга киришайлик, биродарлар, бу гаплар айтишга осон, зора сизларнинг пойқадамларинг хуш ёқиб, қидирганимиз оёқ остидан чиқиб қолса,— деб ерда ётган болғасини қўлига олди.

Шу районда иш олиб бораётган Оғажоннинг ўз илмий ишига керакли намуналарни ҳали «пишиб» етишмаган студентларга йиғдириши, ашёвий далиллар узуқ-юлуқ бўлса, бири тоғдан, бири боғдан олинса хато хулосаларга олиб келиши Шералини ғазаблантиради. Шунга қарамай, ўша талабаларга қай тарзда маъқул намуналар йиғиш йўлини кўрсатиб беради. Бу табиатан одамохун изланувчининг ишидир.

Геолог — қийинчиликлар мавжуд бўлишига қарамай, олдига қўйган мақсадга етишиш учун ҳар қандай вазифани бажариши: тоғ ишчи бўлиб қўлига чўкични олиб ер кавлаши, тоғо ёрдамчи геолог бўлиб, тоғ ишлари кўламини ҳамма ишқ-чиқирлари билан қоғозга туширши, тош орқалаб узоқ масофаларга бориши ҳам муаллиф диққатидан четда қолмаган.

Биз геологлар экспедицияларда ўтган ҳаётимизда кўп марталаб, бирорта тош қотган ҳайвон қолдиғини тоғ жинслари қатламлари орасидан топиш учун тоғо ҳафталаб вақт сарфлаган пайтларимиз бўлган. Излаган қолдиқни топгандаги шодон ҳолатимизни эслаймиз. Уни сўз билан тушунтиришимиз, бироқ учун амри маҳол. Шунинг учун ҳам, Шерали Синтобда қазиш ишларини қийин бир пайтда тун қоронғусида бажара туриб «Саримсоқ ҳиди» билан чамалаб намуна олгани, сўнгра қалин лабларини чўзиб, мамнун кулишини яхши тушунамиз.

Шерали ва унинг ҳамроҳлари олиб бораётган қидирув ишлари тўғри топилади ва бу ишлар Марказий комитет томонидан маъқулланади. Ҳақ жойида қарор топади. Гуревич группаси Шерали назариясини тан олади.

Ҳаёт бешафқат, унинг одамлар юрагидаги дард-алам, ташвиш, истаклари билан иши йўқ. У ўз қонуниятларига амал қилаверади. Асар пировардида Шерали Сабогул билан учрашади. Бу учрашувдан ўқувчи эртаҳдагисимон кўп нарса кутиши мумкин эди. Аммо ундай бўлмайди. Эски ошиқлар жўнгина, аммо илҳақ тарзда ажрашадилар. Мураккаб ҳаёт талаби шундай эди.

«Олтин қум» романининг муаллифи Саъдулла Кароматов — геологларнинг машаққатли, шу билан бирга шарафли меҳнатини ўз асари сатрларида маҳорат билан ҳаққоний ва ҳаётий тасвирлаган. Муаллиф диққатидан геологик экспедицияга тайёргарлик давридан бошлаб, то экспедиция охиригача қилинадиган ишлар, лабораторияларда амалга ошириладиган масалалар ва пировардидаги хулоса ҳам четда қолмаган. Муаллифнинг ютуғи шундаки, у геолог руҳининг ифодачиси бўла олган. Биз адибимиз Саъдулла Кароматовнинг «Олтин қум» асарини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Адиббга янги асарлар яратаверишига тилакдошмиз.

Н. ЭШНАЗАРОВ,
М. ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон ССР ФА Ҳ. М. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институтининг катта илмий ходимлари.

«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Янгийўлдаги 2-босмахонасида мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари учун кўплаб қўлланма ва дарсликлар нашр қилинмоқда. Буйил босмахона республикамиз олий ўқув юртлари ва мактаблар учун 1 миллион сўмликдан ортиқ дарсликларни чоп этади.

Суратда: босмахонанинг илғор матбаачиларидан М. Школьная билан М. Алиеваларни кўриб турибсиз.

В. Сироткин фотоси.

Редактор ўринбосари С. МУСАЕВ.

ГРИПП ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

Грипп тез тарқалувчи юқумли касаллик бўлиб, кишига осон юқади. Бемор гаплашганда, йўталганда атрофга ҳасталик микробларини тарқатади.

Касаллик бемор фойдаланган буюмлардан, чунончи: дастрўмол, сочиқ, идиштовоқ ва ҳоказолардан ҳам ўтади. Бетобланиб қолган киши юрмаслиги, балки ётиши ва уйга врач чақириши лозим. Айрим хонага жойлаштиришнинг иложи бўлмаса, уцинг кроватини чойшаб ёки ширма билан тўсиб қўйиш керак.

Касаллик тўсатдан бошланади. Беморнинг дастлаб бадани увишади, сўнгра иситмаси кўтарилади, боши оғрий бошлайди, қўл-оёғи ва мускуллари зирқирайди. Баъзан у тумовсиз, йўталсиз ва юқори температурасиз ҳам ўтиши мумкин.

Аммо, гриппнинг бу формаси билан оғриган беморлар ётиб даволанишлари керак. Грипп ўзининг қўшимча асоратлари билан ҳам қўрқинчлидир. Хасталикнинг оғир формаси билан касалланган бемор врач таклифига асосан касалхонага ётқизилиши лозим.

Беморни парвариш қилаётган киши оғиз ва бурнига тўрт қават қилиб букланган дока тутиши ва уни бир кунда 3—4 марта алмаштириши (ювиб, дазмоллаб бориши) керак.

Хонани тез-тез шамоллатиш, полни хлорли сув билан ювиш лозим.

Беморнинг дастрўмоллари, сочиғи ва ич кийимларини аввал совуқ сувда чайиб, сўнгра албатта қайнатиб ювиш керак. Парвариш қилувчи киши қўлларини тез-тез совун билан ювиб туриши лозим. Гриппнинг олдини олиш учун хонадонларда, корхона ва муассасаларда, мактаб, болалар боғчалари ва яслиларда тозаликка риоя қилиниши шарт.

Грипп кичик ёшдаги болаларда жуда ҳавфли ўтади. Касаллик бўлган онага болани яқин йўлатмаслик зарур. Биринчи белгилар пайдо бўлганда, болани яслига, боғчага ва мактабга юбормаслик даркор.

Грипп билан оғриган она боласини эмизганда ва парвариш қилганида оғиз-бурнига дока тутиши ҳамда тозаликка қатъий риоя қилиши лозим.

Организмни чиниқтириш грипп касаллигининг олдини олишда жуда катта аҳамиятга эга. Бунинг учун тоза ҳавода кўпроқ юриш, спорт билан шуғулланиш, ҳар куни эрталаб гимнастика қилиб, кетидан баданни ҳўл сочиқ билан артиш керак. Кечқурун ўринга ётиш олдидан оёғингизни уй температурасидаги сувда ювинг. Ҳар куни бир неча маротаба уй ва хоналарни шамоллатинг!

Грипп жуда юқумли касаллик эканлигини эътиборга олган ҳолда бемор ва атрофдаги кишилар грипп тарқалмаслиги учун барча эҳтиёт чораларини кўришлари зарур.

Р. РАҲМОНОВ,
область санитария маорифи ўйинининг методисти.

Спорт

ИККИНЧИ УНЛИКДА

Ҳар йили «Франс футбол» ҳафталиги мавсум якунларига кўра Европанинг энг яхши командасини аниқлайди. Бу галги анъанавий классификация натижаларига кўра Югославия терма командаси қитъанинг энг яхши командаси деб топилди. Таниқли мутахассис М. Милянич раҳбарлигида Югославия футболчилари олтита учрашувнинг ҳаммасида шу жумладан жаҳон чемпионлари Аргентина терма командаси билан бўлган ўйинда ҳам (4:2) устун келдилар. Фақат 1978 йил мавсумнинг охирларида Испания ва Руминия командаларидан бўлган учрашувларини (бу пайтда Милянич командага бошчилик қилмаган эди) ютқазиб қўйиб, Европа биринчилиги финалида қатнашиш ҳуқуқини қўлга кирита олмадилар.

СССР терма командаси бу йил яна бир қадам орқага чекиниб, ўн биринчи ўринни олди.

Бу йилги классификацияда 1—10 ўринларни қуйидаги командалар эгаллади: Югославия, ГФР, Австрия, Англия, Бельгия, Голландия, Польша, Франция, Италия, Чехословакия.

ТЕРМА КОМАНДА САФИДА

Фигурали учиш бўйича тошкентлик Рашид Қадиркаев билан Марина Никитюклар эришаётган ютуқлар қувонарли бўлмоқда. Янги 1980 олимпиада йили спортчиларимиз учун омадли келди. Улар куни кеча Ленинградда ўсмирлар ўртасида ўтказилган Бутуниттифоқ турнирида учинчи мукофотли ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Мамлакат терма командаси тренерлари тошкентлик қобилиятли спортчиларнинг маҳоратига яхши баҳо бериб, уларни СССР терма командаси сафига киритишга қарор қилишди.

15-январда Франциянинг Меживо шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон биринчилигида Р. Қадиркаев билан М. Никитюклар командадош дўстлари билан совет спорти шарафини ҳимоя қиладилар.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

4 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон АССР халқ артисти

ГУЛШОД ОТАБОЕВА.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

Қизлархон ДЎСТМУҲАМЕДОВА, Баҳром МАВЛОНОВ.

Солистлар: Нуриддин ҲАЙДАРОВ, Ҳасан КАРИМОВ, Гулнора АЪЗАМОВА, Гулнора ОДИЛОВА, Абдуқодир ЮСУПОВ.

Ансамблнинг бадиий раҳбари—Султон АНВАРОВ.

Музика раҳбари — Туйғун ОТАБОЕВ.

Программани — Ойдин ТОҲИРОВА олиб боради.

Билетлар Свердлов номли концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилмоқда.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильм. 10.25 — Келинг, опера яратайлик. 11.45 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. Кўрсатув тугагач янгиликлар. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Колхоз қурилишининг 50 йиллигига. 16.15 —Шахмат мактаби, 16.45 — Горнчилар, қаердасиз. 17.15 —Бирма миллий рақс ансамблининг концерти. 17.45—Шунқор нишони. Бадиий фильм, 3-серия. 19.15 — Дунё воқеалари 19.30 — Хоккей бўйича халқаро учрашув. Буфалло Сейбрс—ЦСКА. 21.30 — Время. 22.05—Балли, қизлар. Танаффус пайтида «Дунё воқеалари».

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Кўғирчоқ фильм. 12.10 — Пионерлар уйида. 12.40 — Аёз бобо. Бадиий фильм. 18.20 — Эртак бошланади. 18.35 — Арча атрофида қувнаймиз. 19.00 — «Ешлик» 19.30 — Ахборот. 19.45 — Рус тили ҳақида суҳбатлар. 20.00 — Оламда нима гап. 20.30 — Ахборот. 20.50—Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Очилган кўриқ. Бадиий фильм, 3-серия.

II.

18.40 — Қизил палатка. Бадиий фильм, 2-серия. 20.00—Янгиликлар. 20.20 — Ўқитувчилар учун консультация. 20.50 — Тошкент қурувчилари — зарбдор вахтада. 21.20 — Физика.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4/I да Севги ҳақида афсона (12.00), Князь Игорь (19.00), 5/I да Майсаранинг иши (12.00), Уйқудаги гўзал (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 4/I да Исҳоқхон (12.00, 15.00), 5/I да Келинлар қўзголони (11.00), Томоша давом этади (15.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4/I да Гулбаҳор қани, 5/I да Чоллар ва кампирлар.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА Янги йил эртак цирк томошалари (10.00, 13.00, 16.00, 19.30).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор — 336495; 325302, редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик —325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 01706. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б.—1515.